САЙЛОВГА 10 КУН ҚОЛДИ!

XXI ASR

IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA

Gazeta 2004-yil 1-yanvardan chiqa boshlagan

TADBIRKORLAR VA ISHBILARMONLAR HARAKATI – OZBEKISTON LIBERAL-DEMOKRATIK PARTIYASI HAFTALIK NASHRI

e-mail: xxi_asr@mail.ru

2019-YIL 12-DEKABR, PAYSHANBA, 50 (840)-SON

web sayt: www.21asr.uz

Давлат активларини самарали бошқариш масалалари муҳокама қилинди

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 11 декабрь куни давлат иштирокидаги корхоналарни ислоҳ қилиш натижадорлиги ва бу йўналишдаги устувор вазифаларга бағишланган йиғилиш ўтказди.

2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида иқтисодиётда давлат иштирокини босқичма-босқич камайтириш мақсади ҳам белгиланган эди. Шунга мувофиқ, жорий йил 14 январда Президентимизнинг "Давлат активларини бошқариш, монополияга қарши курашишни тартибга солиш тизимини ва капитал бозорини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги фармони қабул қилинди.

Ўтган қарийб бир йил мобайнида корхоналарнинг устав капиталидаги давлат улушини самарали бошқариш, иқтисодий ночор корхоналарни молиявий соғломлаштириш бўйича муайян ишлар амалга оширилди.

Таҳлилларга кўра, бугунги кунда мамлакатимизда 2819 та давлат иштирокидаги корхоналар мавжуд. Уларнинг аксарияти эски усулда, самарасиз ишлагани сабабли ҳатто дивиденд тўлай олмайди.

Президент бу ҳолатни жиддий танқид қилди.

– Давлат иштирокини ҳеч заруратбўлмаган соҳаларда ҳам сақлаб турибмиз. Давлат корхоналарини бошқариш, фаолияти самарасини ошириш, уларнинг функцияларини хусусий секторга бериш бўйича ҳали сезиларли ўзгаришлар бўлмади, – деди Шавкат Мирзиёев.

Шу боис, йиғилишда 2020 йилда давлат иштирокидаги корхоналарни бошқариш бўйича янги вазифалар белгиланди.

Аввало, бундай корхоналарни ислоҳ қилиш ёки тугатиш, сақлаш ёки хусусий секторга бериш масаласини ўрганиш бўйича Бош вазир, унинг ўринбосарлари ва маслаҳатчилари бошчилигида ишчи гуруҳлар ташкил этилди.

Жумладан, ахборот технологиялари соҳасидаги 140 та корхона, ҳудудлардаги коммунал, қурилиш ва хизмат кўрсатиш субъектларига тегишли 1573 та, геология, металлургия, молия ташкилотлари бўйича 137 та, енгил саноат, машинасозлик ва электротехника тармоқларидаги 49 та, ижтимоий соҳа, туризм ва фармацевтика йўналишидаги 449 та, кимё, нефть-газ, энергетика соҳасидаги 42 та, қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат тармоғидаги 330 та, саноат зоналаридаги 99 та корхона бўйича алоҳида ишчи гуруҳлар тузилиб, уларнинг ҳар бирига молия вазири ўринбосарлари бириктирилди.

Ишчи гуруҳларга бир ой муддатда ҳар бир корхонани тўлиқ хатловдан ўтказиб, уларнинг рентабеллиги, ҳозирги қуввати ва истиқболини таҳлил қилган ҳолда, 2020 йилга мўлжалланган аниқ режа ва таклифлар ишлаб чиқиш топширилди.

Кўплаб компанияларимиз молиявий ҳисобот юритиш, ички назорат ва аудит ўтказиш, бошқарувга мустақил аъзоларни киритиш каби масалаларда оқсаётгани кўрсатиб ўтилди.

Мутасаддиларга мазкур компанияларда корпоратив бошқарувни кенг жорий этиш, базавий соҳалардаги 32 та йирик корхонани ислоҳ қилишни жадаллаштириш бўйича топшириқлар берилди.

Самарадорликнинг муҳим кўрсаткичлари – KPI (Key Performance Indicators) ҳар бир корхонада ишлаб чиқилиши ва мунтазам назорат қилиниши лозимлиги таъкидланди.

Давлат улуши бўйича дивидендлар ҳисобланиши ва бюджетга ўтказилишини назорат қилиш тизимини такомиллаштириш бўйича ҳам вазифалар белгиланди.

Транспорт вазирлигида Лойиҳа офиси тузиб, ушбу соҳадаги корхоналарга хусусий секторни жалб этиш юзасидан кўрсатмалар берилди.

Хусусийлаштиришга оид ёндашувларни тубдан янгилаш, халқаро экспертларни жалб этиб, бу борада бозор иқтисодиётига хос ва мос тизимга ўтиш зарурлиги таъкидланди.

Хусусийлаштириш ва корпоратив бошқарув бўйича мутахассислар тайёрлаш ҳамда малакасини ошириш, давлат иштирокидаги корхоналар раҳбарларини шу борада ўқитиш муҳимлиги қайд этилди.

Йиғилишда муҳокама қилинган масалалар юзасидан зарур чора-тадбирлар белгиланди.

ЎзА

Муносабат

Огоҳлик қўнғироғи

Тасаввур қиляпсизми, улуғ адиб Тоғай Мурод таъбири билан айтганда, *"Ўзбекистон юртимиз Бирлашган Миллатлар Ташкилоти аъзоси бўлди. Юртимиз Амир Темур давридан кейин илк бор мустақил давлат бўлди"*, дея фахру ифтихор билан кўкрагимизга уриб, қаддимизни тик тутиб, дунёга мақтаниб юрганимизга, кўп эмас, кам эмас, 28 йилдан ошди. Давлатимиз юзи, қиёфаси, халқимизнинг ўзига хос Ҳаёт китоби бўлмиш Конституциямиз қабул қилинганига роппа-роса 27 йил тўлди!

Бу икки сана замирида Ватанимизнинг долғали ва мураккаб ўтмиши ҳамда ёруғ келажакка элтувчи мунаввар йўллари ётибди.

2019 йил 7 декабрь.. "Ўзбекистон" халқаро анжуманлар саройи.

Президент Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 27 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги ўзига хос таҳлилий ва танқидий руҳдаги маърузасини шахсан мен оддий бир журналист сифатида аввал телевидение орқали кечқурун кўрдим, кейин газета саҳифаларида обдон ўқиб чиқдиму, кўнглимда ўзгача ҳайрат туйдим. Бу, айтиш мумкинки, ўзига хос сарҳисоб ва амалга оширилиши кечиктириб бўлмас муҳим вазифалар акс этган дастуриламал ўрнини босувчи ҳужжат, десам муболаға эмас.

Шу ўринда, минг бора узр, кўпдан бери бир мени эмас, бошқа дилдош ҳамкасбларимни-да ўйлантириб келаётган арзимасгина иштибоҳ ҳам туғилди қалбда: аттанг, қанийди, ана шундай юракка ботгувчи ўтли сўзларни муҳташам саройнинг ўзида бевосита кўриб, эшитганимда янада таъсирчанроқ мақола ёзармидим, бу эса ўзгача акс-садо берган бўлур эди *(ушбу мулоҳазаларим давлат миқёсида ўтказилаётган тадбирларга масъул ташкилотчиларнинг, айниқса, сиёсий-ижтимоий йўналишларга ихтисослашган расмий оммавий ахборот воситалари, шу жумладан, партия нашрлари вакилларига нисбатан локайд муносабатда бўлаётганини яна бир карра кўрсатиб қўйганга ишора).*

Давлатимиз раҳбари маърузасидаги алоҳида жиҳатлар хусусида тўхталмоқ жоиз. Дастлаб **"Конституция ва қонун устуворлиги – фаровон ҳаёт гарови" деган тушунча фуқароларимизнинг онги ва қалбида чуқур ўрин эгаллаши ҳамда ижтимоий эҳтиёжга айланиши"** борасида муҳим ва долзарб беш вазифа белгилаб берилганига эътибор қаратайлик. Энг аввало, қонунлар ижросини таъминлаш, тизимли муаммоларни олдиндан кўра билиш ҳамда қонун бузилишининг салбий оқибатларига қарши курашиш ва бундай ҳолатларни ўз вақтида бартараф этиш билан боғлиқ механизмни шакллантириш мураккаблигича қолаётгани ошкора айтилди. Бошқа йилларни қўяверайлик, лекин биргина жорий йилда 70 дан ортиқ қонун, 350 дан зиёд Президент фармони ва қарорлари қабул қилинганига бежиз урғу берилмади маърузада. Халқ манфаатини чуқур ўйлаб имзоланаётган бу каби муҳим ҳужжатлар қоғоздагина қолиб кетмаслиги учун нималар қилиш кераклигини Президент атрофлича изоҳлаб, тушунтириб берди.

Бош қомусимиз қабул қилинганига сал кам ўттиз йил тўлаётган бир пайтда мамлакат етакчиси шу вақтгача парламент томонидан қабул қилинган қонунлар ижросидан кўнгли тўлмаётгани нимани кўрсатади? Ҳали кўплаб тизимларда изчил ислоҳотлар моҳиятини тўлалигича англаб етмаётган раҳбарлар сафи зичлигини, аксарият соҳаларда ҳамон ўзибўларчилик, боқибеғамлик, энг даҳшатлиси, бюрократик тўсиқлар ҳукмронлигини ҳаётнинг ўзи исботлаб турибди. Шунинг учун ҳам Шавкат Мирзиёев **"халқимиз қонун бузилишига қарши қаттиқ турмас экан, давлат идоралари, мансабдор шахслар қанчалик уринмасин, қонун устуворлигини таъминлаш қийин бўлади"** бежиз жиддий огоҳлантирди.

Табиийки, бу каби огоҳликка даъватлар ҳар бир фуқарони ўйлантириши, қийнаши лозим. Негаки, ҳалиям орамизда ўлкамиз тараққиёти, тинч-осойишталиги, халқимиз фаровонлиги йўлида амалга оширилаётган каттаю кичик ўзгаришларга, бунёдкорлик ишларига лоқайд, ҳатто шубҳа билан қараб турганлар йўқ дейсизми? Четдагиларнинг йўриғи бошқа, лекин шу тупроқда сизу биз билан ёнма-ён яшаб юрганларнинг томошабинлиги қимматга тушиши эҳтимоли юқори. **"Бугун жамоатчилигимиз том маънода уйғонди, энди турли лавозимдаги шахсларнинг хатти-ҳаракатларига одамларимиз бевосита баҳо бериб, ўз фикрини эркин ифода этишга ўрганмоқда"**, деган умидбахш сўзлар ҳар биримизни ҳушёрликка чорлайди, янада руҳлантиради. Президент *Конституция ва қонун устуворлигига эришишнинг самарали йўли жамоатчилик назорати* эканлигига алоҳида тўхталиб ўтганининг ўзи ҳам одамларнинг сиёсий-ижтимоий, иқтисодий жараёнларга дахлдорлик ҳиссини янада оширишни талаб этади.

Дарвоқе, жамоатчилик назоратига таъриф бериладиган бўлса, маърузада айтилганидек, бу бевосита ва билвосита **"жамиятнинг ўзини ўзи бошқариш усули"** эканини таъкидлаган ҳолда, бугунги кунда биз учун сув ва ҳаводек бебаҳо эҳтиёжга айланганини, усиз фуқаролик жамияти деган тушунчанинг қадри бўлмаслигини эътироф этмоқ жоиз. Бунга жонли мисол сифатида сайловлар олдидан ўтаётган қизғин баҳс-мунозара ва теледебатларни бемалол айтсак бўлади. Албатта, ҳали сиёсий маданият бобида, партияларо рақобат майдонида тажрибамиз етишмаётгани сезилиб қоляпти. Лекин бугунги одамлар бундан беш йил аввалги сайловчилар эмаслиги кишини умидлантиради.

Яқинда Жиззах вилоятида ижодий сафарда бўлганимда ҳамкасбларим қизиқ воқеани айтиб беришди. Туманлардан бирида бўлғуси депутат билан учрашув уюштирилибди. Дастлаб номзодлар ўз сайловолди дастурларини қоғозга қараб ўқиб беришибди. Кейин савол-жавоблар бошланибди. "Шунда ғалати ҳолат рўй берди, – дейди журналист, – амалдаги депутатга маҳалла фаолларидан бири шундай мазмунда савол берди: "Ҳурматли фалончиев, биз сизнинг баландпарвоз ваъдалар битилган сўзларингизни эшитдик, жуда яхши. Афсуски, бундан беш йил аввал ҳам худди ана шундай қуруқ, ҳаётдан йироқ маърузангизни тинглагандик. Лекин амалда қандай ишларни бажардингиз? Биз сиздан қишлоғимизга ичимлик суви олиб келинг ёки ўнқир-чўнқир йўлларимизни тузатиб беринг, деб сўрамаймиз. Шукрки, бундай масалаларни давлатимиз ҳал қилиб беряпти. Беш йилда беш мартагина сайловчилардан ҳечқурса кўнгил сўрасангиз бўларди-ку! Сиз эса қорангизни кўрсатмадингиз! Бошқаларни билмайман, шахсан мен энди сизга эмас, бошқа номзодга овоз бераман!" дея даврадан чиқиб кетди. Депутатликка номзод эса ер чизиб қолди..."

"Хўп, нега шуларни ёзмадингиз, ўша номзодни депутатликка тавсия қилган партияни боплаб танқид қилсангиз бўларди-ку", десам, ҳамкасбим истиҳола билан: "Қандоқ бўларкан, ўзбекчилик ахир, умид билан яна номзодини қўйибди, омадини берсин", дейди бамайлихотир. "Йўқ, дўстим, андишанинг отини қўрқоқ қўйиш замони ўтди. Кеча кўрмадингизми, юрт раҳбари Конституция байрамида ОАВ энди чинакамига **"жамият кўзгуси"** бўлмоғи кераклигини алоҳида таъкидлар экан, бу каби оғриқли муаммоларга ечим топишда шоир ва адиблар, журналистлар зиммасига ҳам катта масъулият юкланишини айтди", дея эслатдим.

Бугун кўпчиликнинг кўнгил эрмаги интернет, ижтимоий тармоқлар бўлиб қолди. Албатта, бу табиий жараён. Тезкор ахборот манбалари мансабдор шахсларни ҳушёрликка чорлаб, одамлар билан ҳисоблашишга мажбур қилмоқда. Асосийси, улар амалдаги қонунларга қатъий риоя этиш кўникмасини шакллантиришда муҳим роль ўйнамоқда. Кўп бора кузатяпмиз, ҳозир бир қатор давлат ташкилотларида матбуот хизматлари фаол ишлаётир, ҳатто шу вақтгача ахборот олишда турли сунъий тўсиқлар қўйиб олган баъзи вазирлик ва вилоят ҳокимликларида ижобий томонга силжиш сезиляпти *(Фарғона, Самарқанд вилоятлари ҳокимликлари ахборот хизматлари бунга яққол мисол бўла олади)*. Бироқ айрим вазирлик ва идоралар, вилоят ва туман ҳокимликларида номигагина "ишлаётган" ахборот хизматлари ва веб-сайтлардан жамоатчиликнинг ҳафсаласи пир бўлаётгани ҳам бор ҳақиқат. Сабаби битта – малакали журналист кадрлар анқонинг уруғига айланган. Шу боис аҳоли ўртасида маҳаллий ОАВдан кўра хориждаги айрим ахборот воситаларига (тан олиш керакки, улар орасида тезкорлик ва холисликни фаолиятининг асосий мезонига айлантирганлари ҳам бор) қизиқиш даражаси катта.

Президент маърузасидаги қуйидаги сўзларга эътибор берайлик: **"Яна бир марта такрорлайман, Ўзбекистонда жамоатчилик назорати ва оммавий ахборот воситалари вакилларининг қонуний ҳақ-ҳуқуқларига ҳеч қандай шаклда тазйиқ ўтказишга йўл қўйилмайди"**. Бу, гарчи норасмий бўлса-да, "тўртинчи ҳокимият"га даъвогарлик қилаётган ОАВ фаолиятида ўқ томир вазифасини бажаришга қодир даъват бўлди! Аслида, шу сўзларнинг ўзи юртбошимиз истаётган жамоатчилик назорати бугун биз учун нечоғлик зарурлигининг ёрқин намунаси эмасми?!

Халқимиз биздан рози бўлиши керак!

Президент яқин уч йилдан бери ҳар гал қайта-қайта такрорлайдиган ушбу қанотбахш даъват ҳар биримиз учун юрак уришидай эҳтиёжга айланиши шарт. Бош қомусимиз қабул қилинганининг 27 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузадан олган илк таассуротларим ана шундай хулосалар чиқармоққа ундаётир.



Норқобил ЖАЛИЛОВ,
Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган журналист

УШБУ СОНДА:

Янги Ўзбекистон феномени

(3-мақола)

Эътирозлар "Миллий тикланишдан – миллий юксалиш сари" ғояси мамлакатимиздаги сиёсий кучлардан бирининг асосий шиори бўлиб келгани боисидан туғилмоқда. "Таҳлилчилар" биргина партиянинг шиори бутун халқ иродаси ва идеаллари ифодаси бўлган миллий ғояни ривожлантириш концепцияси бош шиорига айлантирилиши демократия тамойиллари мантиғига ва халқаро ҳуқуқ қоидаларига зид келиши мумкинлигига ишора қилмоқдалар.

3

Битта дарахт экмаган одамдан қўрқиш керак



12



“Тадбиркорлик ривожланса, бой бўламиз-да”

дейди 133-Шаҳрисабз сайлов округидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлигига партиямиздан кўрсатилган номзод Актам Ахмедов



Актам Ахмедов Тошкент давлат иқтисодиёт университетининг менежмент ва халқаро туризм менежменти факультетини битириб, магистр даражасини олгач, тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйгунига қадар турли идораларда меҳнат қилди.

Сиёсий қарашлари партиямиз ғояларига ҳамоҳанглиги туфайли O‘zLiDeP сафига кирди. 2007 йили “Ахмедов Актам Бухарович” хусусий корхонасини ташкил этиб, ўттиз нафар ёшнинг бандлигини таъминлади. Орадан ўн йил ўтгач, кўп тармоқли “ELITE CARTON BOX” МЧЖга асос солди. Ҳозирда мазкур корхонада 100 нафар йигит-қиз меҳнат қиляпти. Тадбиркор замонавий ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш учун тинимсиз изланиб, инновацион лойиҳаларни амалиётга татбиқ этаётир. Хитойдан қиймати 195 минг АҚШ доллари бўлган замонавий ускуналарни келтириб, қоғоз чиқиндисидан картон маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи цехни ишга туширди. Бугунги кунда Қашқадарё ва қўшни вилоятлар пилла қабул қилиш пунктларига қадоқловчи ашёлар етказиб берилмоқда. Шу йили эса мева-сабзавотлар экспортида фойдаланиладиган гофро қутилар тайёрланувчи чоғроқ завод барпо этилди. Қиймати 500 000 АҚШ долларига тенг мазкур лойиҳа амалга оширилгач, 50 нафар ёшнинг бандлиги таъминланди. Шунинг баробарида қоғоз пакетлар ва тухум флейкалари ишлаб чиқариш лойиҳаларини амалга ошириш бўйича ҳам ишлар олиб бориляпти. Эътиборлиси, тадбиркор ташаббуси билан Шаҳрисабз шаҳрида “Kesh wunderkinds” нодавлат мактабгача таълим ташкилоти қурилиб, фойдаланишга топширилди.

Актам Ахмедов сайловчилар билан учрашувларда хусусий бизнесни янада ривожлантириш, аҳоли турмуши сифатини ошириш борасида ўз режалари, мулоҳазаларини баён этяпти. Унинг фикрича, солиқ юкини камайтириш, индивидуал тадбиркор учун қатъий белгиланган солиқ ставкаларини мақбуллаштириш зарур. Тадбиркорлар солиқ миқдорининг ўзгариб туришидан, умуман, солиққа тортиш жараёнининг мураккаблигидан кўнгли тўлмаётир. Аввало, ишбилармонларнинг солиқ соҳасидаги билимларини кенгайтиришга қаратилган чора-тадбирларни амалга ошириш керак. Бундан ташқари, банк тизимини ислоҳ қилиш зарур. Тадбиркор исталган пайтда ҳеч бир қийинчиликсиз банкдан кредит олиш имконига эга бўлиши лозим. Хусусан, тегишли ҳужжатларни банкка электрон тарзда тақдим этиш тартиби тезроқ жорий қилиниши даркор. Банклар фаолияти депутатлар ва парламент назоратида бўлса, шаффофлик таъминланади.

Туризм ривожлантирилса, аҳолининг бандлиги таъминланади, фаровонлиги ошади ҳамда иқтисодиётимиз валюта тушуми эвазига юксалади. Шаҳрисабзда сайёҳларга хизмат кўрсатиш талаб даражасида эмас. Беш юлдузли меҳмонхоналар қуриш, инфратузилмани замонавийлаштириб, миллий сувенирлар ишлаб чиқарадиган кичик корхоналарни ишга тушириш керак. Сайёҳларни сўлим масканларга, муқаддас қадамжоларга олиб борадиган транспорт воситалари ҳаракати тизимли йўлга қўйилиши керак. Ваҳоланки, Шаҳрисабз аҳолиси табиий газ, электр, ичимлик суви, канализация билан боғлиқ муаммолардан азият чекмоқда. Кўчаларни ёритиш, туризмга оид реклама баннерлари ўрнатиш ҳам кўнгилдагидек эмас. Тан олиш керакки, шаҳардаги тиббий хизмат аҳволи ҳам қониқарсиз. Тиббий муассасаларга мурожаат қилувчилар кам. Чунки малакали шифокорлар етишмайди. Ускуналар ҳам эскирган. Устига-устак, электр таъминоти ҳам ёмон. Шу боис одамлар бетоб бўлса, дарҳол Қарши ёки Тошкентга жўнаб кетишяпти.

Мазкур соҳаларга инвестицияларни жалб қилиш орқали камчиликларни бартараф этиш мумкин.

Аҳолига транспорт хизмати кўрсатиш, йўл инфратузилмасини такомиллаштиришга тааллуқли ишларда ҳам нуқсонлар кўп. Масалан, Қарши–Шаҳрисабз йўналишида автобуслар қатновини йўлга қўйиш керак. Қарши–Китоб тезюрар поезди йўналиши аҳоли учун қулай вақтга ўтказилиб, қатнов оралиғи икки соат қилиб белгилаб қўйилса, минглаб йўловчилар унинг хизматидан фойдаланишга ўтадилар. Ҳозир эса кунига бир маҳал қатнайди, холос.

Талай мактаб ўқувчилари маблағ сарфлаб, репетиторга қатнаяпти. Демак, шаҳардаги мактабларда таълим сифати талаб даражасида эмас. Бу соҳага ҳам алоҳида эътибор қаратиш зарур.

Пировардида шуни таъкидлаш керакки, Актам Ахмедов муаммоларни тилга олибгина қолмай, уларни ҳал қилиш бўйича аниқ ва асосли таклифларни илгари суряпти. Энг муҳими, у маслакдошлари, ҳамкорлари билан биргаликда таклифларни амалга ошириш учун астойдил ҳаракат қиляпти. “Тадбиркорликни ривожлантириш орқалигина турли муаммоларга ечим топиш мумкин”, дейди у.

Сайфулла ИКРОМОВ,
“XXI asr” мухбири

Бизнинг номзодлар

Ваъдалар қоғозда қолмайди

Мирзаобод туманидаги 7-Деҳқонобод сайлов округидан халқ депутатлари вилоят кенгаши депутатлигига номзоди кўрсатилган O‘zLiDeP аъзоси Улуғбек Сотиболдиев сайловчилар билан учрашди.

Мирзаобод тумани Элобод қишлоғидаги 20-умумтаълим мактабида бўлиб ўтган мулоқотда O‘zLiDeP Сирдарё вилоят ҳамда Мирзаобод туман кенгашлари ходимлари, яқин атрофдаги маҳалла ва қишлоқлар аҳолиси қатнашди.

– Партиямиз кластерлар фаолиятини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратяпти, – деди Улуғбек Сотиболдиев. – Жумладан, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришига замонавий агротехнологияларни кенг жорий этиш, интенсив боғлар ва токзорлар яратиш, органик қишлоқ хўжалиги, мевасабзавот, озиқ-овқат, асаларичилик, балиқчилик, паррандачилик ва чорвачилик маҳсулотларини етиштиришни кўпайтириш асосий мақсадларимиз сирасига киради. Шунингдек, биз қишлоқларда кичик ишлаб чиқариш корхоналари тармоғини, қишлоқ хўжалиги кластерларини, кўп тармоқли фермер хўжаликларини, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини сақлаш, уларга чуқур ишлов бериш, транспортда ташиш ва сотиш бўйича кичик ишлаб чиқариш корхоналари тармоғини ривожлантиришга оид қонунчиликни такомиллаштириш, “Кластерлар фаолияти тўғрисида”ги қонун лойиҳасини ишлаб чиқиш ва бошқа амалий чораларни таклиф қиляпмиз.

Номзод ўз ташаббуси билан ишлаб чиқилаётган лойиҳалар ҳақида ҳам сўз юритди. Масалан, “Ижтимоий иссиқхона” лойиҳаси Ховос туманининг чекка қишлоқлари аҳолисини иш билан таъминлаш мақсадида амалга оширилмоқда. Қуёш нури ҳисобига иситиладиган ҳар бири 10 сотихлик 1000 та иссиқхона қурилиб, 2000 та иш ўрни яратилади. Иссиқхоналарга асосан қулупнай экилиб, ҳосил экспорт қилинади. Россиянинг йирик савдо ташкилотлари билан дастлабки келишувларга эришилган.

Сайловчилар номидан сўзга чиққан Мустафоқул Холбаев, Нурмуҳаммад Қаршибоев, Абдулла Қобилов, Эшбой Жумабоев ва бошқалар номзоднинг ғоя ва режаларига муносабат билдирдилар, одамларни ташвишлантираётган муаммоларни ўртага ташладилар.

Дилором ЭСОНОВА,
O‘zLiDeP Сирдарё вилоят кенгаши матбуот котиби

“Тўрткўлдан қўнғироқ қиляпман...”

O‘zLiDeP Қорақалпоғистон Республикаси Кенгаши матбуот котиби Асем Сиримбетова билан суҳбатимиз шу сўзлардан бошланди. Партия фаолларининг навбатдаги тарғибот тадбири мазкур туманда таъсирчан тарзда ўтказилганидан хабар берди ҳамкасбимиз.



Электорат вакиллари билан учрашувда Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партияси Сиёсий Кенгаши Ижроия қўмитаси раиси Актам Хаитов, O‘zLiDeP Қорақалпоғистон Республикаси Кенгаши раҳбари Соғиндиқ Турманов, 2-Тўрткўл сайлов округидан Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлигига номзод Равшан Мамутов ва маҳаллий кенгашлар депутатлигига номзодлар иштирок этишди.

Жонли мулоқотда остонада турган сиёсий жараённинг аҳамияти, Сайлов кодексининг мазмун-моҳияти, партиянинг янгиланган сайловолди платформаси хусусида сўз юритилиб, номзодларнинг янги-янги ғоялари, инновацион таклифлари муҳокама қилинди.

– Бугун биз янги Ўзбекистонни биргаликда қуриш учун мамлакат иқтисодиётини изчил ривожлантириш йўлида муҳим вазифаларни амалга оширишни мақсад этиб қўйганмиз, – деди Актам Хаитов. – Шу аснода қишлоқ хўжалигини модернизациялаш ва аграр соҳани тараққий эттиришга ҳам алоҳида эътибор қаратилади.

– Қишлоқ аҳолиси ўртасида “Томорқа – қўшимча даромад манбаи!” шиорини кенг тарғиб қилиш, ер эгаларининг билим ва тажрибасини ошириш зарур, – деди учрашувда сўз олган Тўрткўл туманидаги “Солиҳ фарзанд” фермер хўжалиги раҳбари А.Байрамов. – Бундан ташқари, сайловолди дастурида белгилаб қўйилганидек, фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгаларининг қонуний манфатларини ҳимоялаш, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришига замонавий агротехнологияларни кенг жорий этиш каби масалалар ҳар бир партиядошимизнинг диққат-марказида бўлиши лозим.

Тадбир давомида партиянинг сиёсий куч сифатида бугунги кунда олиб бораётган ишлари тўғрисида атрофлича маълумот берилди. Худди шундай очиқ мулоқотлар Элликқалъа ва Амударё туманларида ҳам ўтказилди.

Аёли қадрланган юрт

O‘zLiDeP Тошкент вилояти Кенгаши матбуот хизмати раҳбари Аҳрор Тўйчиев Қибрай туманидан қўнғироқ қилиб, ҳудудда Қишлоқ хўжалиги ходимлари куни муносабати билан илмий-текшириш институтларида меҳнат қилаётган олима аёлларни тақдирлаш маросими бўлиб ўтаётгани хусусида хабар берди.

Партия Тошкент вилоят Кенгаши Аёлларнинг сиёсий фаоллиги, жамиятдаги ўрни ва мавқеини ошириш бўлими ташаббускорлигида байрам баҳонасида ташкил этилган сайловолди тарғибот тадбирига Пахта селекцияси, уруғчилиги ва етиштириш агротехнологиялари илмий-тадқиқот институти, Ўзбекистон хотин-қизларининг “Олима” уюшмаси, Генетика ва ўсимликлар биологияси институтида самарали фаолият кўрсатаётган ходимлар таклиф этилди.

Юртбошимиз алоҳида таъкидлаганидек, аёли эъзозланган юрт қудратли бўлади. Дарҳақиқат, уларсиз ҳаётни, тараққиётни тасаввур қилиб бўлмайди. Хотин-қизлар жамиятнинг етакчи кучлари, моҳир ва уддабурон мураббийлари, меҳрибон ва оқила тарбиячиларидир.

– Бугунги кунда республикамизда хотин-қизлар учун барча имкониятлар яратилган, – деди O‘zLiDeP Тошкент вилояти Кенгаши раис ўринбосари Дилбар Усмонова. – Модомики, ҳар бир аёлни шундай имкониятлардан фойдаланган ҳолда давлатимиз ривожи учун ўзининг муносиб ҳиссасини қўшишга рағбатлантиришимиз даркор.

– Инсон учун энг қадрли неъмат тинчлик-тотувликдир, – деди қишлоқ хўжалиги фанлари доктори Дилбар Рашидова. – Бугун биз эришаётган ютуқлар ана шу буюк неъмат шарофатидан. Айниқса, Президентимизнинг қишлоқ хўжалиги, тадбиркорлик ва фермерлик ҳаракатини ривожлантиришга доир саъй-ҳаракатлари қисқа фурсатда ўз натижасини кўрсатаётгани қувонтирли. Барчамизда ислоҳотларга дахлдорлик ҳисси, меҳнат самарасига бўлган ишонч ортмоқда. Бугунги байрам ҳам бизни янгича руҳда ишлашга ундайди.

Тадбир давомида олима аёлларга O‘zLiDePнинг эсдалик совғалари топширилди.

Сайлов ҳангомалари

“Адолат”нинг адолатсиз митинги

Гап нима ҳақида кетаётганини дарров англагандирсиз? Албатта, ижтимоий тармоқларда кенг тарқалган навбатдаги видео хусусида. Сайловолди тарғиботи сифатида Жиззах вилоятида митинг ўтказган “Адолат” социал-демократик партияси мантиқ чегараларини унутиб қўйгани тўғрисида.



“Сайлов яқин бўлгандан кейин ташкил этади-да митинг, бутун дунёда шундай қилинади-ку”, дейишга шошилманг. Бердисини айтгунча, рад этмоқдан тийилинг. Аввало, автомобиллар ҳаракати тўхтатилиб, катта йўлда уюштирилган маршга эътибор қаратинг (шундоқ ҳам тирбандликлар асабни синаётган даврда). Янаям аниқроғи, олдинги қатордан ҳам олдиндаги тўртта тез ёрдам машинаси (сизу бизнинг кўзларимиз ўрганиб қолган эски-туски “Дамас”лар эмас булар) нигоҳингиздан четда қолмасин.

Деярли ҳар куни турли ҳудудлардан шошилинч тиббий хизмат машинаси вақтида етиб келмагани, айниқса, бундай автомобиллар ва уларнинг ёнилғиси, эҳтиёт қисмлари муаммо сифатида кўтарилаётган бир пайтда камёб, энг замонавий махсус тиббий хизмат машиналари партиявий байроқларга ўраб-чирмалиб нима қиляпти бу ерда? Ким рухсат берган бўлиши мумкин шу тадбирда қатнашишга? Сайлов суиистеъмол дегани эмас-ку ахир!?

Тез ёрдам машиналари “Адолат”нинг адолатсиз парадида қатнашаётган вақтда қанча-қанча беморлар узоқдан келаётган сирена товушини интиқлик билан кутиб ётгандир балки. Баъзи давлат идораларига бўлган умидига ҳам дарз кетиб улгургандир. Улар орасида ўз мансаб ваколатини суиистеъмол қилган ҳолда мазкур автомобилларни митингга жўнатганларнинг яқинлари бўлса-да, ажабланмаймиз. Фақат оддий савол қийнайди бизни: қани адолат? Наҳотки, янги Ўзбекистоннинг янги сайловлари зўр бўлаётганини кўрсатамиз деб амалдаги қонун-қоидаларни, шунчаки инсоний масъулиятни, халқ олдидаги жавобгарликни унутиб қўйган бўлсак!?

Кези келганда, Соғлиқни сақлаш вазири “Адолат” социал-демократик партияси аъзоси эканини эслатиш шарт эмас деб ҳисоблаймиз. Ким билади, балки Алишер Шодмоновнинг бу митингдан хабари йўқдир. Машойихлар айтганидек, яхши гумонда бўлайлик. Вазирлик ҳам ушбу ҳолатга тезда расмий муносабат билдириб қолар. Бирор жўяли баҳона ўйлаб топилар.

Куни кеча, Конституциямиз қабул қилинганининг 27 йиллик байрамида (ва ундан олдин ҳам) давлатимиз раҳбари катта-кичик амалдорларнинг оммавий ахборот воситалари билан муносабатлари, жамоатчилик билан алоқалари хусусида нега бунчалик куюниб гапирганини юракдан ҳис қиляпман...

Ўйлайманки, тегишли идоралар мутасаддилари ушбу воқеа юзасидан баёнот билан чиқадилар.

Озод РАЖАБОВ,
“XXI asr” мухбири

Янги Ўзбекистон феномени (3-мақола)

Мамлакатимизда дунё учун очиқ ва жозибадор жамият барпо этилмоқда, ҳаётимизнинг барча соҳаларини тубдан ўзгартираётган ислоҳотлар натижасида юртимизнинг янги қиёфаси шаклланмоқда. Президентимизнинг “Ўзбекистон тараққиётининг янги босқичида миллий ғояни ривожлантириш концепциясини ишлаб чиқишга доир чора-тадбирлар тўғрисида”ги фармойиши бу йўналишда ҳам янги давр бошланганидан далолат беради. Концепциянинг бир гуруҳ мутахассислар томонидан ишлаб чиқилган лойиҳаси ҳозирда кенг муҳокама этилмоқда.



Миллий ғоя муайян халқ ва жамият аъзоларининг эзгу интилиш ва туб манфаатларини акс эттирадиган, уларни шу йўлда бирлаштирадиган ва муштарак мақсадларга эришиш учун сафарбар этадиган энг муҳим тушунча ва тамойиллар мажмуидир. Миллий онгни шакллантиришга асос бўладиган, халқнинг ғурур ва ифтихори, ор-номусини уйғотиб, ўзлигини англашига ёрдам берадиган ушбу тушунчанинг янгиланаётган жамият тараққиётининг маънавий омилларидан бири сифатида тўла-тўкис намоён бўлиши учун зарур шарт-шароит яратиш бугун давр талабига айланди. Шиддат билан амалга оширилаётган ислоҳотлар кўлами ва натижаларига мос равишда ўсиб, янгиланишлар суръатига мослашиб ва такомиллашиб бориши лозим бўлган миллий ғояни ҳар бир фуқаронинг тафаккури ва тасаввури, ҳаёт тарзи ва амалий ҳаракатлари мезонига айлантириш зарурлиги O‘zLiDeP фаолиятининг ушбу соҳадаги энг муҳим ва устувор йўналишларидан бири экани шубҳасиз.

Таъкидлаш жоизки, Президентимиз Шавкат Мирзиёев асарлари ва маърузаларида ана шу тадрижий жараённинг мазмун-моҳияти, халқимизнинг онгу тафаккурини ўзгартириб юбораётган ислоҳотларнинг аҳамияти ҳамда ғоявий асосларига алоҳида эътибор қаратилган. Янги Ўзбекистонни барпо этишда миллий ғояни янада ривожлантириш қонуниятлари ҳақида жиддий тадқиқотлар камлигини, хусусан, ҳалигача бу борадаги ўзгаришлар жараёни ва динамикасини чуқур ўрганишга имкон берадиган дастурий қўлланмалар йўқлигини инобатга олсак, мазкур асарларнинг ҳам илмий, ҳам амалий аҳамияти янада яққол намоён бўлади. Муҳокама этилаётган концепция лойиҳасининг аниқ далил ва рақамларга, теран илмий фикр ва хулосаларга таянган ушбу манбаларда асослаб берилган ғоя ва тамойиллар асосида янада пишитилиши бугунги давр талаби, яъни ҳаёт ҳақиқатини ифодалайди, албатта.

“Ўзбекистон тараққиётининг янги босқичида миллий ғояни ривожлантириш концепцияси лойиҳаси”ни такомиллаштиришга доир бир қатор тизимли масалалар билан бирга, O‘zLiDeP учун ҳам муҳим бўлган баъзи муаммо ва долзарб вазифалар мавжудлигини алоҳида таъкидлаш зарур. Аввало, тезкор тараққий этиб бораётган дунёга мос равишда мамлакатни ривожлантиришга жамият аъзоларини сафарбар этиш ва бирлаштириш билан боғлиқ масалаларни ҳал этишнинг имкониятлари ва истиқболлари янада кенгроқ асослаб берилиши концепция матнини бойитишга хизмат қилиши шубҳасиз. Бу борада жаҳонда тўпланган тажрибадан фойдаланиш фойдадан холи эмас.

Маълумки, XX асрда дунёнинг баъзи халқлари ҳаддан ортиқ мафкуралашиш (идеологизация) ва жамиятнинг мутлақ мафкурасизлашиши (деидеологизация) каби жараёнларни бошидан кечирди ва мазкур соҳадаги турли томонларга оғишларнинг жабрини тортди. Ўтган асрнинг иккинчи ярмида эса бундай йўқотишларнинг олдини олиш мақсадида кўплаб реидеологик концепциялар ишлаб чиқилди ва бугун ривожланган давлатлар деб аталадиган мамлакатлар ҳаётига татбиқ этилди. Улар турли номлар билан аталса-да, аммо барчасининг мақсади ўз мамлакатини бу соҳада янги босқичга олиб чиқиш, яъни реидеология даврини бошлаш ва жамият ҳаётида ғоявий омилнинг таъсирини ошириш, ушбу йўналишдаги тамойиллар ва тасаввурларни янгилашдан иборат эди.

Хўш, бугун биз муҳокама қилаётган лойиҳа ана шу концепциялар билан беллаша оладими, уларда акс этган мафкуравий парадигмалар ва концептуал асосларга эгами? Ушбу соҳада, дунёнинг қай бир мамлакатида бўлмасин, вужудга келган янгилик ва лойиҳаларни зудлик билан таҳлил қилиш ва мавжуд механизмлар билан солиштириб кўриш ҳамда зарур хулосалар чиқариш глобаллашаётган дунё мафкуравий қиёфасини шакллантиришнинг асосий тамойилига айланган бугунги кун талабларига жавоб берадими? Жаҳон мафкуравий майдонидан ўзига жой топа оладими? Турли мафкуравий полигонлар тахдидига жавоб берадиган мустаҳкам тузилишга эгами? Мафкура методологиясининг умум эътироф этилган қонуният ва талаблари, намоён бўлиш хусусиятлари тўла-тўкис ҳисобга олинганми?

Аслида, бу саволлар нафақат O‘zLiDeP-ни, балки мамлакат ва халқ тақдирини ўйлайдиган барча партияларни қизиқтириши, уларнинг мафкуравий стратегиясини белгилаши, амалий фаолият мезонига айланиши лозим. Аммо мазкур соҳа учун ўзини масъул деб атайдиган баъзи сиёсий кучлар, хусусан, “Миллий тикланиш” ва Ўзбекистон Халқ демократик партияларининг ушбу концепция лойиҳаси билан қизиқаётгани ва унинг муҳокамасида фаол иштирок этаётганини кўрмаяпмиз. Уларнинг мафкурачилари ўзларини бу масалага алоқасиздек тутиб, қизғин жараёндан четда тургани кишини ажаблантиради, тўғрироғи, афсуслантиради.

Ўрни келганда концепция лойиҳасида Ўзбекистон тараққиётининг ҳозирги босқичида “Миллий тикланишдан – миллий юксалиш сари” деган улуғ мақсаднинг бош ғоя сифатида тавсифланишига нисбатан эътирозлар, бундай ҳолат Ўзбекистон Конституцияси 12-моддасига тўғри келмаслиги ҳақидаги иддаоларга ҳам изоҳ бериш лозим деб ҳисоблаймиз. Бу ерда гап ғоявий плюрализм, яъни фикрлар хилма-хиллиги, мафкуралар ранг-баранглиги демократиянинг асосий тамойилларидан эканлиги ва бирор-бир сиёсий куч ғоясининг давлат мафкурасига айлантирилиши мумкин эмаслиги ҳақида бормоқда. Бундай иддаолар “Миллий тикланишдан – миллий юксалиш сари” ғояси мамлакатимиздаги сиёсий кучлардан бири, яъни “Миллий тикланиш” партиясининг асосий шиори бўлиб келгани боисидан туғилмоқда. “Таҳлилчилар” биргина партиянинг шиори бутун халқ иродаси ва идеаллари ифодаси бўлган миллий ғояни ривожлантириш концепцияси бош шиорига айлантирилиши демократия тамойиллари мантиғига ва халқаро ҳуқуқ қоидаларига зид келиши мумкинлигига ишора қилмоқдалар. Шу баҳонада жаҳон жамоатчилигини Ўзбекистоннинг яна миллий изолюционизмга қайтаётгани ҳақидаги уйдирмалар билан чалғитишга уринмоқдалар.

Бундай иддаоларга чек қўйиш ва шунга ўхшаш спекуляцияларнинг олдини олиш учун бошқа партияларнинг асосий ғояларини ҳам концепцияда муайян йўналишдаги бош ғоя сифатида тавсифлаш мақсадга мувофиқ бўлур эди. Масалан, халқ демократияси мафкурасининг устувор жиҳатларини ифодалайдиган “Халқ давлат идораларига эмас, давлат идоралари халққа хизмат қилиши керак”, “Инсон манфаатлари ҳамма нарсадан улуғ” деган тамойилларга концепция матнида ушбу йўналишнинг бош ғояси сифатида ўрин ажратиш мумкин. Худди шундай, “Халқ бой бўлса, давлат ҳам бой ва қудратли бўлади” тамойили либерал демократиянинг, “Адолат – қонун устуворлигида” тамойили эса фаолиятида адолатли жамият қуришга урғу бераётган сиёсий кучларнинг асосий ғояси ифодаси сифатида концепцияда янада кенгроқ акс эттирилиши жоиз.

Концепциянинг бош ғояси эса Президентимизнинг БМТ Бош Ассамблеяси 72-сессиясидаги маърузасида баён этилган, мамлакатимиз тараққиётининг бугунги куни ва янги тараққиёт босқичини ҳар томонлама кенг ва теран ифодалайдиган **миллий қадриятлар ва халқаро тажрибага таяниб Ўзбекистоннинг янги қиёфасини яратиш, янги Ўзбекистонни барпо этиш** ҳақидаги фикридан келиб чиқса, нур устига нур бўларди. Бу халқаро ҳамжамиятнинг миллий протекционизм ва ҳудудий изолюционизм билан боғлиқ хавотирларига барҳам бериш билан бирга, турли “таҳлилчи”ларнинг мазкур масалани спекуляция қилишига имкон қолдирмаслиги шубҳасиз. Президентимизнинг БМТ сессиясидаги маърузаси айнан ана шу тамойилни баён этишдан бошлангани бежиз эмас, балки мафкуравий жараёнлар мантиғини тўғри тушуниш ҳамда мамлакатимизнинг жаҳондаги имижини мустаҳкамлашга хизмат қиладиган ғоя ва тамойилларни танлашда адашмаслигимиз учун ниҳоятда муҳим ишорадир.

Фикрлар хилма-хиллиги шароитида мамлакат тараққиётини таъминлаш учун миллий ғояга асосланадиган ягона ёндашув, умумий тушунча ва муштарак тасаввурларни самарали шакллантириш механизмини ишлаб чиқиш ва амалиётда самарали қўллаш имкониятлари очиб берилиши концепция лойиҳаси қимматини ошириши табиий.

Халқаро терроризм, диний экстремизм, одам савдоси, “оммавий маданият”, наркобизнес каби турли хавф ва таҳдидларга қарши курашда кучларни бирлаштириш ва ушбу йўналишда “Жаҳолатга қарши маърифат” тамойилини умуммиллий юксалиш ҳаракатининг устувор маънавий омилларидан бири даражасига кўтариш эҳтиёжини янада кенгроқ ва тўла-тўкис акс эттириш ҳам концепция лойиҳасини мукаммаллаштиришга хизмат қилади.

Концепция матнида оммавий ахборот воситалари, жумладан, глобал интернет тармоғи орқали тарқатилаётган бузғунчи ғоялар, ғаразли ахборотлар, одоб-ахлоқни емирувчи иллатлар, залолатга бошловчи медиамаҳсулотлар тарқалишининг олдини олишга қаратилган маърифий кураш тизими самарасини янада оширишга алоҳида эътибор берилиши мақсадга мувофиқ бўлади. Бу, ўз навбатида, ушбу тизимнинг глобаллашаётган ва замонавий технологиялар устуворлашиб бораётган бугунги дунё тараққиётидан орқада қолмаслиги, ахборот майдонининг шиддат билан ўзгараётган тушунча ва тамойилларига мослигини таъминлайди. Ғоявий-тарбиявий масалаларни ҳал қилишнинг аниқ механизми ишлаб чиқилиши ва ҳаётга тизимли жорий этилиши миллий ғоя тарғиботи ва маънавий-маърифий тадбирларни ташкил этишда амалий самара бериши шубҳасиз.

Лойиҳани қайта ишлаш ва такомиллаштириш жараёнида Президентимизнинг “Ўзбекистон тараққиётининг янги босқичида миллий ғояни ривожлантириш концепциясини ишлаб чиқишга доир чора-тадбирлар тўғрисида”ги фармойиши билан уйғунлигини таъминлаш алоҳида диққат-эътиборни талаб қилади. Яъни, концепция матнида давлатимиз раҳбари фармойишида кўрсатилган масала ва муаммоларни ҳал этиш, камчилик ва нуқсонларни тугатиш, ушбу йўналишдаги фаолиятни ташкил қилиш бўйича тизимли ва долзарб вазифаларни бажаришнинг аниқ-тиниқ механизми ва унинг ишлаш тамойилларига алоҳида аҳамият қаратилиши зарур. Фармойишда концепция билан бирга яна қатор муҳим ҳужжатларнинг лойиҳалари тайёрланиши лозимлиги алоҳида таъкидланган. Унинг ниҳоясида эса бу соҳадаги амалий механизмни яратиш зарурлиги ҳақида кўрсатма ҳам берилган. Албатта, булар билан боғлиқ масалалар ва уларнинг ечимларига доир вазифаларни бажариш заруратини тўла-тўкис акс эттириш ҳам концепция матни мазмунига мазмун қўшган бўлар эди.

Фармойишда *“...бешинчидан, “миллий ғоя” туркумидаги ижтимоий фанлар мазмунининг реал ҳаёт, ёшларнинг маънавий қизиқишлари ва фаолият соҳалари билан боғлиқлиги таъминланмаган, ўқув режалари ва дастурларида такрорланиш ҳолатлари мавжуд, мазкур фанларни ўқитишга тизимли ёндашув билан боғлиқ масалаларга етарлича эътибор қаратилмаган; олтинчидан, кейинги йилларда узлуксиз таълим тизимида ўз ўрнига эга бўлган ва пировард натижада дунёқараши кенг, фуқаролик позициясига эга бўлган ҳар томонлама етук ёшларни тарбиялашга хизмат қиладиган “миллий ғоя” туркумидаги айрим фанларнинг ўқув режаларидан чиқариб ташланиши ва ўқув соатларининг кескин қисқартирилгани таълим муассасаларида маънавий-маърифий ишлар самарадорлигининг пасайишига олиб келмоқда”*, дея бежиз таъкидланмаган.

Концепция лойиҳасида ушбу соҳага алоҳида эътибор берилмагани ниҳоятда таассуфли ҳолдир. Ҳолбуки, аҳолининг энг таъсирчан қисмини қамраб оладиган таълим тизимида, айнан ижтимоий фанлар ёшларни сиёсий тафаккури кенг инсон, ислоҳотларга дахлдорликни чуқур ҳис қиладиган етук шахс, фаол позицияга эга фуқаро этиб тарбиялаш, миллий ғоя асосларини уларнинг қалби ва онгига сингдиришнинг энг муҳим воситалари бўлиб ҳисобланади. Афсуски, кейинги йилларда узлуксиз таълим тизимида ва айрим ўқув муассасаларида бу соҳа билан боғлиқ ишларга эътибор сусайгани, ушбу йўналишдаги баъзи факультет ва кафедраларнинг қўшиб юборилгани, уларнинг сони қисқариб, таркиби эса ҳаддан зиёд кенгайиб кетгани натижасида мазкур тузилмаларни бошқариш ҳамда фаолиятини ташкил қилиш самарадорлиги пасайиб кетган. Ижтимоий-гуманитар фан вакиллари, профессор-ўқитувчилар фаолиятини ташкил қилишда ушбу соҳа хусусиятлари ва методологияси талаблари етарли даражада ҳисобга олинмаган, ўқув юкламалари ортиб кетган. Буларнинг барчаси эса “миллий ғоя” туркумидаги айрим ижтимоий-гуманитар фанларнинг ўқув режаларидан чиқариб ташланиши, уларга доир ўқув соатларининг кескин қисқартирилиши билан бирга қўшилиб, таълимдаги ушбу соҳа вакиллари фаолияти сусайишига сабаб бўлмоқда. Айни пайтда мазкур йўналишдаги фанларни ўқитиш самарадорлигини янада ошириш, бу борада амалиёт учун зарур таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишга қаратилган кенг қамровли, натижадор изланишлар ва махсус тадқиқотлар олиб бориш зарурати янада ортиб бормоқда. Мазкур соҳадаги бундай муаммоларни тизимли ҳал этиш имкониятлари кўрсатилиши концепция лойиҳасини бойитиши мумкин эди.

Мамлакат тинчлиги, халқнинг асрлар давомида шаклланган маънавий қадриятларига асосланган ҳаёт тарзини барбод қилишга йўналтирилган мафкуравий таҳдидларга қарши курашда синовдан ўтган ва таъсирчан замонавий ахборот технологияларини қўллаш ва самарали маънавий-ахлоқий таъсир этиш усулларидан фойдаланиш масалаларига ҳам концепция матнида янада кенгроқ ўрин берилиши зарур. Ана шу нуқтаи назардан ва ташкилий жиҳатдан қараганда, концепция лойиҳасида муайян мақсад-муддаолар баён қилингану, аммо уларга эришиш йўллари, усуллари ва имкониятлари етарлича акс эттирилмаган. Бу эса мазкур лойиҳа тўғрисида ҳозирча тўла-тўкис маромига етмаган ҳужжатдек кемтик тасаввур уйғотади.

Бу жиҳатдан, янги даврнинг шиддаткор суръати ва ўзига хос тараққиёт мантиғи, тез ўзгараётган дунёқараш тамойиллари ва мамлакатимизнинг халқаро имижи, бугунги ҳаёт руҳини акс эттириши лозим бўлган концепция лойиҳаси кенг жамоатчилик муҳокамасига қўйилгани жуда тўғри қадамдир. Айни пайтда, глобаллашаётган дунёдаги баъзи жаҳолатпарастлик ғоялари ва маънавий бўҳрон балолари таъсирига қарши туриш, уларнинг мамлакатимиз тараққиётига халақит бермаслигини таъминлаш зарурати ушбу йўналишда ҳам барчамизнинг зиммамизга улкан масъулият юклаётгани табиий ҳол. Бугун ана шу масъулиятни ҳар биримиз чуқур англайдиган кун келди. Таассуфки, O‘zLiDeP-дан бошқа партияларнинг бу масалада лом-мим демаётгани, ўзларини миллий ғояни ривожлантириш концепциясига мутлақо алоқаси йўқдек тутаётгани, дастур ва режаларида ҳам бунга кам эътибор берилганини қандай тушуниш ва қай тарзда изоҳлаш мумкин?

Қиём НАЗАРОВ,
фалсафа фанлари доктори,
проофессор

Бизнинг номзодлар

Ватан равнақига дахлдорлик туйғуси

18-Избоскан сайлов округидан Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлигига партиямиздан номзоди кўрсатилган Насибахон Норалиева педагог. Унга хос бир хислат шуки, одамлар дарду ташвишларига бефарқ қараб туролмайди, муаммоларга ечим топишга ҳаракат қилади.



Номзод ўз сайловолди дастурида биринчи галда педагогика ва тиббиёт соҳаларидаги ислоҳотларни изчиллик билан амалга оширишга алоҳида эътибор қаратяпти. Унинг фикрича, махсус сиртқи таълим, яъни 3 йиллик олий таълимни жорий этиш зарур. Масалан, Избоскан туманидаги 7 та касб-ҳунар коллежини сўнгги беш йилда жами 11 минг 454 нафар битирувчи тамомлаган бўлса, уларнинг 382 нафаригина олий ўқув юртларига кирган. Бошқача айтганда, битирувчиларнинг 4,5 фоизи олий маълумотли бўляпти, холос. Шу боис сиртқи 3 йиллик таълимни жорий қилиш билан бирга олий таълим муассасаларининг етакчи профессор-ўқитувчиларини туман мактабларига бириктириш, олий таълим тўлов контрактлари миқдорини қайта кўриб чиқиш мақсадга мувофиқ.

Чекка қишлоқларда истиқомат қилаётган иқтидорли, лекин имконияти чекланган ёшларни ўзи танлаган мутахассисликлари бўйича имтиёзли тайёрлов курсларида ўқитишни ташкил этиш, ишсизларни касбга тайёрлаш, қайта тайёрлов ва малака ошириш тизимини йўлга қўйиш керак. Ҳеч кимга сир эмас, туманлардаги мактаблар белгиланганидан ортиқ ўқувчиларни қабул қилади. Таълим сифати ва самарадорлигини ошириш мақсадида синфдаги ўқувчилар сонини 20 нафардан оширмаслик, ўқув жараёнини фақат бир сменада олиб бориш ҳам ижобий натижалар бериши шубҳасиз.

Номзод фақат педагогик соҳага оид муаммолар ечимини излаш билан чекланиб қолмаяпти. У ҳудудда агротуризм, қишлоқ туризми ва экотуризмни ривожлантириш орқали кичик бизнес ва оилавий тадбиркорликни йўлга қўйиш орқали миллий ҳунармандчилик ва касаначиликни ривожлантириш масалаларига ҳам алоҳида эътибор қаратяпти. Унинг фикрича, тадбиркорлар сармоялари туристик имкониятларни ишга солишга қаратилса, туман инфратузилмаси ҳам ўз-ўзидан ривожланади, кўпгина муаммолар барҳам топади.

Маълумки, қўшни Қирғизистон Республикаси билан савдо-иқтисодий алоқаларни янада мустаҳкамлаш учун, айниқса, Избоскан тумани ҳар жиҳатдан қулай. Туман аҳолиси томонидан етиштирилаётган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини бюрократик тўсиқларсиз қўшни давлатга тўғридан-тўғри сотиш механизмлари яратилишига ҳисса қўшиш ҳам номзод учун устувор вазифалардан бири саналади.

Насибахон Норалиева, шунингдек, “Ҳар бир оила – тадбиркор” дастури амалга оширилишига кўмаклашиш, аёлларнинг бандлигини таъминлаш, хорижда вақтинча меҳнат қилаётган фуқаролар ҳимоясини кучайтириш, муҳтож оилаларга арзон уй-жойлар олишларига ёрдам бериш бўйича ҳам аниқ таклифларни илгари суряпти.

Умида ИСАЕВА,
O‘zLiDeP Андижон вилоят
Кенгаши бўлим мудири

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлигига O‘zLiDeРдан кўрсатилган номзодлар

СУРХОНДАРЁ ВИЛОЯТИ



Ҳазратқул Абдиқодирович ХЎЖАМҚУЛОВ

1977 йилда Сурхондарё вилояти Бойсун туманида туғилган. Миллати – тожик. Маълумоти – олий. 2009 йилда Термиз давлат университетини тамомлаган. Ихтисослиги – иқтисодиёт (тармоқлар бўйича).

O‘zLiDeP аъзоси. Оилали. Беш нафар фарзанди бор.

Меҳнат фаолиятини 2000 йилда “Пахта банк”нинг Сурхондарё вилоят бошқармасида кассир вазифасидан бошлаган. 2001–2009 йилларда ушбу муассасада катта назоратчи кассир, банк операциялари бўлими иқтисодий бўлими 1-тоифали мутахассиси, 2009–2015 йилларда “Агробанк” Сурхондарё вилоят бошқармаси мутахассиси, бош мутахассиси, шўъба мудири, бўлим бошлиғи, “Агробанк” Бойсун филиали бошқарувчиси, Сурхондарё вилоят бошқармаси бошлиғи ўринбосари, 2015–2018 йилларда акциядорлик тижорат “Халқ банки” Сурхондарё вилоят филиали бошлиғи, 2018-2019 йилларда “Трастбанк” хусусий акциядорлик банки Термиз филиали бошқарувчиси вазифасини бажарувчи лавозимларида ишлаган.

2019 йилдан “Агробанк” акциядорлик-тижорат банкининг Сурхондарё вилоят бошқармаси бошлиғи лавозимида фаолият юритиб келмоқда.



Эркин Оманович ЭШКЕЛДИЕВ

1970 йилда Сурхондарё вилояти Шеробод туманида туғилган. Миллати – ўзбек. Маълумоти – олий. 1993 йилда Тошкент Молия институтини тамомлаган. Ихтисослиги – иқтисодчи. O‘zLiDeP аъзоси. Оилали. Тўрт нафар фарзанди бор.

Меҳнат фаолиятини 1993 йилда Сурхондарё вилояти Давлат фонди иқтисодчиси вазифасидан бошлаган. 1994 йилда вилоят Давлат жамғарма банки тафтиш бўлими тафтишчиси, 1994–2002 йилларда Термиз шаҳар Давлат солиқ инспекцияси катта инспектори, 2002–2008 йилларда вилоят Давлат солиқ бошқармаси катта инспектори, Термиз шаҳар бошлиғининг биринчи ўринбосари, вилоят Давлат солиқ бошқармасида бўлим бошлиғи, 2008-2009 йилларда Сариосиё тумани ДСИ бошлиғи, 2009–2013 йилларда Давлат мулки қўмитаси Сурхондарё вилоят бошқармаси бошлиғи, 2013–2017 йилларда Давлат рақобат қўмитаси вилоят ҳудудий бошқармаси бошлиғининг ўринбосари, 2017–2019 йилларда Хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси вилоят ҳудудий бошқармаси бошлиғи вазифасини вақтинча бажарувчи, бошқарма бошлиғи лавозимларида ишлаган. 2019 йилдан Ўзбекистон Республикаси Монополияга қарши курашиш қўмитасининг Сурхондарё вилояти ҳудудий бошқармаси бошлиғи лавозимида фаолият кўрсатиб келмоқда.



Ботир Хуррамович МАРДАЕВ

1979 йилда Сурхондарё вилояти Денов туманида туғилган. Миллати – ўзбек. Маълумоти — олий. 2003 йилда Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти, 2011 йилда Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги давлат ва жамият қурилиши академиясини тамомлаган. Ихтисослиги – муҳандис-технолог. O‘zLiDeP аъзоси. Оилали. Икки нафар фарзанди бор.

Меҳнат фаолиятини 1996 йилда Денов туманидаги “Ғалаба” жамоа хўжалигида ишчи сифатида бошлаган. 2002-2003 йилларда Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти “Камолот” ЁИҲ бошланғич ташкилоти кенгаши раиси, 2003-2004 йилларда “Камолот” ЁИҲ Яккасарой туман кенгашида бўлим мудири, 2003–2007 йилларда ТТЕСИда стажёр-тадқиқотчи, 2004–2017 йилларда O‘zLiDeP Яккасарой туман кенгаши гуруҳ раҳбари, O‘zLiDeP Сиёсий Кенгаши Ижроия қўмитаси аппаратида етакчи консультант, котибият мудири, сектор мудири, бўлим мудири, 2017 йилда Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси бош мутахассиси лавозимларида ишлаган.

2017 йилдан Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси Сурхондарё вилоят ҳудудий бошқармаси бошлиғи вазифасида фаолият юритмоқда.



Фахриддин Валижонович САМАТОВ

1975 йилда Сурхондарё вилояти Жарқўрғон туманида туғилган. Миллати – ўзбек. Маълумоти – олий. 1999 йилда Термиз давлат университетини тамомлаган. Ихтисослиги – муҳандис-механик. O‘zLiDeP аъзоси. Оилали. Тўрт нафар фарзанди бор. Меҳнат фаолиятини 1994 йилда Сурхондарё насос қурилмалари энергетика ва алоқа бошқармаси қошидаги ишлаб чиқариш бўлимида муҳандисликдан бошлаган. 2002–2007 йилларда “Ўзстандарт” агентлиги Сурхондарё Синов ва сертификатлаштириш марказида 1-тоифали мутахассис, метрология бўлими бошлиғи, директор ўринбосари – метрология бўлими бошлиғи лавозимларида, 2007–2017 йилларда “Ўзстандарт” агентлиги “Республика синов ва сертификатлаштириш маркази” давлат корхонасида бош мутахассис, бўлим бошлиғи ўринбосари, метрология ва синов сектори бошлиғи, бўлим бошлиғи, директор ўринбосари, директор, “Ўзбекистон Миллий метрология институти” давлат корхонаси директори бўлиб ишлаган.

2017 йилдан “Ўзстандарт” агентлиги “Республика синов ва сертификатлаштириш маркази” давлат корхонаси директори ўринбосари лавозимида фаолият юритиб келмоқда.



Ойсоат Абдурохатовна ХАЙДАРҚУЛОВА

1973 йилда Сурхондарё вилояти Жарқўрғон туманида туғилган. Миллати – ўзбек. Маълумоти – олий. 2007 йилда Термиз давлат университетини тамомлаган. Ихтисослиги – мусиқа фани ўқитувчиси. O‘zLiDeP аъзоси. Оилали. Уч нафар фарзанди бор.

Меҳнат фаолиятини 1993 йилда Қизириқ туманидаги 20-умумий ўрта таълим мактабида мусиқа фани ўқитувчиси вазифасидан бошлаган.

2012 йилдан Қизириқ туманидаги 20-умумий ўрта таълим мактаби директори лавозимида фаолият кўрсатиб келмоқда.



Дилфуза Қурбоновна ҚЎЗИЕВА

Сулаймонов Ботиржон Абдушукирович	1974	Тошкент давлат аграр университети ректори	Тошкент шаҳри Чилонзор тумани	O‘zLiDeP
23-Эшонгузар сайлов округи				
Хошимбеков Хикматбек Зоитбекович	1969	Зангиота туманидаги “Sunnatbek biznes” хусусий корхонаси, “Marxabo biznes plyus” масъулияти чекланган жамияти таъсисчиси	Зангиота тумани	O‘zLiDeP
24-Ўзгариш сайлов округи				
Нурматов Якубджан Рахимджанович	1964	Зангиота туманидаги “Ўзгариш садаф агро” муқобил машинатрактор парки раҳбари	Зангиота тумани	O‘zLiDeP
25-Ўртаовул сайлов округи				
Саматов Абдурасул Ботирович	1977	“Yoshlik” масъулияти чекланган жамияти директори	Тошкент шаҳри Шайхонтоҳур тумани	O‘zLiDeP
26-Юнусобод сайлов округи				
Хашимова Саида Ниғмаджановна	1985	Тошкент туманидаги 26-мактаб директори	Тошкент тумани	O‘zLiDeP
27- Келес сайлов округи				
Салиев Сайдулла Инаятиллаевич	1988	“Bonito Group” МЧЖ корхонасида директор	Тошкент шаҳри Юнусобод тумани	O‘zLiDeP
28-Қизғалдоқ сайлов округи				
Эргашев Сардор Қодирович	1986	Ўзбекистон савдо-саноат палатасининг Тошкент вилоят бошқармаси бошлиғи	Тошкент шаҳри Юнусобод тумани	O‘zLiDeP
29-Ўнгқўрғон сайлов округи				
Туляганов Худайберган Адилович	1959	“Тошкентавтойўл” ҳудудий йўллардан фойдаланиш давлат ташкилоти директори	Қибрай тумани	O‘zLiDeP
30-Янгиобод сайлов округи				
Отбосарова Хакима Шарифовна	1972	Қибрай тумани “Маданият агробизнес” агрофирмаси ҳудудидаги “Камолабегим омад” фермер хўжалиги раҳбари	Тошкент шаҳри Миробод тумани	O‘zLiDeP

31-Қибрай (Байтқўрғон) округи				
Мирсагатов Комил Хайдарович	1973	Қибрай туманидаги “Milk – Heaven Biznes” масъулияти чекланган жамияти раҳбари	Қибрай тумани	O‘zLiDeP
32-Чинобод сайлов округи				
Зокирова Гуландон Озадовна	1966	“Тошкент иссиқлик электро станцияси” соғломлаштириш маркази раҳбари	Қибрай тумани	O‘zLiDeP
33-Дўстобод сайлов округи				
Исмаилова Дилафруз Абдулагзамовна	1981	Ўзбекистон савдо-саноат палатаси Тошкент вилояти ҳудудий бошқармаси сектор мудири	Тошкент тумани	O‘zLiDeP
34-Ўзбекистон сайлов округи				
Арапов Саидқул Амирович	1959	“TCT cluster” масъулияти чекланган жамияти бош директори	Тошкент шаҳри Учтепа тумани	O‘zLiDeP
35-Олимкент сайлов округи				
Каримова Юлдуз Тўйчиевна	1965	Оққўрғон туман халқ таълими бўлими она тили ва адабиёт услубчиси	Оққўрғон тумани	O‘zLiDeP
36-Оққўрғон сайлов округи				
Холматов Рустам Қурбонназарович	1961	Тошкент вилояти ҳокими вазифасини бажарувчи	Оққўрғон тумани	O‘zLiDeP
37-Қорахитой сайлов округи				
Тўраев Тўлқинбой Ғаниевич	1958	Тошкент вилояти фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши раиси	Оҳангарон шаҳри	O‘zLiDeP
38-Телов сайлов округи				
Ашурова Мохидил Улуғбек қизи	1991	“Qoraxtoy asl nonlari” хусусий корхонаси раҳбари	Оҳангарон тумани	O‘zLiDeP
39-Оҳангарон сайлов округи				
Мирзаев Ойбек Адхамович	1972	Оҳангарон шаҳридаги “Бекдил” хусусий дорихонаси раҳбари	Оҳангарон шаҳри	O‘zLiDeP
40-Паркент сайлов округи				
Тоиров Маҳмуджон Тўхтаевич	1952	Ўзбекистон ёзувчилар уюшмаси Тошкент вилояти бўлими раҳбари	Паркент тумани	O‘zLiDeP
41-Бойқозон сайлов округи				
Нишонова Мағруба Тўлашовна	1959	Тошкент вилоятидаги “Паркент маиший туризм” маъсулияти чекланган жамияти директори	Паркент тумани	O‘zLiDeP
42-Заркент сайлов округи				
Хожиев Мавлонхўжа Эргашович	1959	“Бахт” фермер хўжалиги раҳбари	Паркент тумани	O‘zLiDeP
43-Пискент сайлов округи				
Жўраев Искандар Хакимжонович	1982	Пискент туманидаги “Пискент сифат” масъулияти чекланган жамияти раиси	Пискент тумани	O‘zLiDeP
44-Кориз сайлов округи				
Джўраев Аъзам Ҳудайкулович	1974	Тошкент туманидаги “Djurayev Azam Hudoyqulovich” адвокатлик бюроси адвокати	Тошкент шаҳри Олмазор тумани	O‘zLiDeP
45-Қумовул сайлов округи				
Мадияров Фарҳод Турғунбоевич	1969	Ўрта Чирчиқ туманидаги “Замин” маъсулияти чекланган жамият шаклидаги ғалла селекция ва уруғчилик илмий ишлаб чиқариш маркази раҳбари	Ўрта Чирчиқ тумани	O‘zLiDeP
46-Қорасув сайлов округи				
Юсупов Улуғбек Мансуржонович	1981	Ўрта Чирчиқ туманидаги “Мунаввар Файз” масъулияти чекланган жамияти раҳбари	Тошкент шаҳри Сергели тумани	O‘zLiDeP
47-Нурафшон сайлов округи				
Камилов Сардор Авазович	1968	“Кучлик нефт базаси” масъулияти чекланган жамияти кадрлар бўлими бошлиғи	Тошкент шаҳри Олмазор тумани	O‘zLiDeP
48-Истиқлол сайлов округи				
Жахонгиров Хуршид Жахонгирович	1985	“Агробанк” акциядорлик тижорат банкнинг Ўрта Чирчиқ филиали бошқарувчиси	Оққўрғон тумани	O‘zLiDeP
49-Чиноз сайлов округи				
Абдумаликова Дилфуза Абдухатовна	1971	Чиноз туманидаги “Чиноз ультра мед сервис” хусусий корхонаси раҳбари	Чиноз тумани	O‘zLiDeP
50-Олмазор сайлов округи				
Айтенова Комилахон Аликуловна	19770	Чиноз туман марказий шифохонаси туғруқ бўлими мудираси	Чиноз тумани	O‘zLiDeP
51-Эски Тошкент сайлов округи				
Сайдалиева Мовлуда Абдукабировна	1980	Чиноз туманидаги 24-мактаб директорининг маънавий-маърифий ишлар бўйича ўринбосари	Чиноз тумани	O‘zLiDeP
52-Янгибозор сайлов округи				
Шакиров Алишер Рустамович	1971	Юқори Чирчиқ туманидаги “Техэнерго-реммаш” масъулияти чекланган жамияти корхонаси директори	Юқори Чирчиқ тумани	O‘zLiDeP
53-Дўстлик сайлов округи				
Баратова Сайёра Рахматовна	1960	Олий Мажлис Сенатининг мудофа ва хавфсизлик масалалари қўмитасида доимий асосда ишловчи доимий аъзоси	Юқори Чирчиқ тумани	O‘zLiDeP
54-Жумабозор сайлов округи				
Хван Григорий Мангимович	1964	“Hanuz enterprises” масъулияти чекланган жамияти директори ўринбосари	Тошкент шаҳри Миробод тумани	O‘zLiDeP
55-Янгийўл сайлов округи				
Рашидов Шохрух Авазханович	1990	“Yoshlar – kelajagimiz” жамғармаси Янгийўл шаҳар филиали раҳбари	Янгийўл шаҳри	O‘zLiDeP
56-Янгиҳаёт сайлов округи				
Абдуназарова Сабина Юлдашевна	1988	Янгийўл шаҳридаги “Sabina Nazar Couture” маъсулияти чекланган жамияти раҳбари	Тошкент шаҳри Яккасарой тумани	O‘zLiDeP
57-Йўғонтепа сайлов округи				
Джалилов Шоназар Шониязович	1977	“Ўзбекистон темир йўллари” акциядорлик жамияти “Ўзбекистон” локомотив депоси бош муҳандиси	Тошкент шаҳри Сергели тумани	O‘zLiDeP
58-Навбаҳор сайлов округи				
Султонова Гулчехра Акрамовна	1961	Янгийўл туманидаги “Султонова Гулчеҳра” маъсулияти чекланган жамияти раҳбари	Тошкент шаҳри Чилонзор тумани	O‘zLiDeP
59-Гулбаҳор сайлов округи				
Исраилов Илхом Абдувахабович	1985	Янгийўл туманидаги Гулбаҳор саноат касб-ҳунар коллежи раҳбари	Янгийўл тумани	O‘zLiDeP
60-Шуралисой сайлов округи				
Файзиев Тўлқинжон Обидович	1958	O‘zLiDeP Тошкент вилояти кенгаши раиси в.б.	Зангиота тумани	O‘zLiDeP

вилоятлар ва Тошкент шаҳар Кенгашлари депутатлигига Тадбиркорлар демократик партиясидан кўрсатилган номзодлар

Бошланиши 7-, 8-саҳифаларда.

ФАРҒОНА ВИЛОЯТИ БЎЙИЧА				
1-Жомий сайлов округи				
Эркабоев Хаётжон Акрамович	1978	Фарғона шаҳридаги “Миллениум линкс” оилавий корхонаси раҳбари	Ўзбекистон тумани	O‘zLiDeP
2-Мирзо Улуғбек сайлов округи				
Рахимова Муаттар Носиржоновна	1976	Фарғона шаҳридаги 41-давлат ихтисослаштирилган умумтаълим мактаби директори	Фурқат тумани	O‘zLiDeP
3-Ойбек сайлов округи				
Мадалиева Феруза Махамаджановна	1971	Фарғона шаҳридаги 5-поликника бош шифокори	Фарғона шаҳри	O‘zLiDeP
4-Ал-Фарғоний сайлов округи				
Сиддиқова Шахнозахон Давроновна	1975	Фарғона шаҳридаги 2-оилавий поликлиника бош шифокори	Ўзбекистон тумани	O‘zLiDeP
5-Бобур сайлов округи				
Базарбаева Ойгулхон Абдулхакимовна	1977	“Фарғона Орифжон келажаги” фермер хўжалиги раҳбари	Фарғона тумани	O‘zLiDeP
6-Беруний сайлов округи				
Хурсанова Мавжуда Абдурасуловна	1963	Фарғона нефтни қайта ишлаш заводи фахрийлар кенгаши раиси	Қувa тумани	O‘zLiDeP
7-Ш.Рашидов сайлов округи				
Абельфазов Одилжон Хусеинович	1985	Республика “Қурилишмашлизинг” АЖ Фарғона минтақавий вакили	Қувасой шаҳри	O‘zLiDeP
8-Қувасой сайлов округи				
Қодиров Асқар Ахадович	1976	Қувасой шаҳар “Ўзбегим” агросаноат компанияси кузатув кенгаши раиси	Фарғона шаҳри	O‘zLiDeP
9-Темир йўл сайлов округи				
Исломов Саидфаррух Жамшидхон ўғли	1980	Юксалиш умуммиллий ҳаракати Фарғона вилояти ҳудудий бўлинмаси бошлиғи	Қўқон шаҳри	O‘zLiDeP
10-Истиқлол сайлов округи				
Садикова Матлуба Камиловна	1960	Қўқон шаҳридаги “Қаймоқли гузар” маҳалла фуқаролар йиғини раиси	Олтиариқ тумани	O‘zLiDeP
11-Увайсий сайлов округи				
Абдурахимов Мухсин Муминович	1976	“Kokand Bicycles” хусусий корхонаси раҳбари	Қўқон шаҳри	O‘zLiDeP
12-А.Навоий сайлов округи				
Хошимов Улуғбек Эргашевич	1974	“Тоза ҳудуд” давлат унитар корхонаси Қўқон шаҳар бўлими раҳбари	Ўзбекистон тумани	O‘zLiDeP
13-Ипакчи сайлов округи				
Гафуров Мухаммад Алимович	1969	Ўзбекистон темир йўллари АЖ “Ўзтемирйўлчи” Фарғона филиали Марғилон темир йўл вокзали бошлиғи	Марғилон шаҳри	O‘zLiDeP
14-Ёрқин сайлов округи				
Тиллаев Махмуд Марифжонович	1985	“Yoshlar – kelajagimiz” жамғармаси Марғилон шаҳар филиали раҳбари	Фарғона шаҳри	O‘zLiDeP
15- Ал-Марғиноний сайлов округи				
Раҳбаров Отабек Мирзоулуғбекович	1984	“Марғилон санитар сервис” маъсулияти чекланган жамияти раҳбари	Марғилон шаҳри	O‘zLiDeP
16-Нодирабегим сайлов округи				
Тешабоева Нигорахон Иномджоновна	1982	Фарғона маиший хизмат ва педагогика коллежи директори	Тошлоқ тумани	O‘zLiDeP
17-Яккатут сайлов округи				
Умматов Талантбек Тўйчибоевич	1988	“Ўзбекэнерго” акциядорлик жамияти Фарғона ҳудудий электр тармоқлари корхонаси акциядорлик жамияти Бешариқ туман Электр таъминоти корхонаси бошлиғи	Бешариқ тумани	O‘zLiDeP
18-Бешариқ сайлов округи				
Қосимов Баходиржон Мирзажонович	1976	Бешариқ туманидаги 55-мактаб директори	Бешариқ тумани	O‘zLiDeP
19-Рапқон сайлов округи				
Турдалиев Бохиржон Илхомович	1966	Бешариқ туманидаги “Водий наслли парранда” кластер йўналишидаги фермер хўжалиги раҳбари	Бешариқ тумани	O‘zLiDeP
20-Бағдод сайлов округи				
Шарипов Алишер Хамидович	1959	Фарғона “Автотеххизмат – Ф” акциядорлик жамияти раиси	Бағдод тумани	O‘zLiDeP
21-Ибн Сино сайлов округи				
Абдуллаев Ғайратжон Ғуломжонович	1971	Бағдод туманидаги 40-мактаб директори	Бағдод тумани	O‘zLiDeP
22-Хазиний сайлов округи				
Деҳқонов Акмалдин Мухамаджонович	1985	Бағдод туманидаги “Аброр” кўп тармоқли хусусий корхонаси раҳбари	Бағдод тумани	O‘zLiDeP
23-Янгиқўрғон сайлов округи				
Қаландарова Дилшода Носировна	1971	Бувайда туманидаги 29-мактабгача таълим ташкилоти мудираси	Бувайда тумани	O‘zLiDeP
24-Бегобод сайлов округи				
Солиев Одилжон Махмудович	1978	Бувайда туманидаги “Happy land children`s academy” оилавий корхонаси раҳбари	Бувайда тумани	O‘zLiDeP
25-Бувайда сайлов округи				
Артиков Бегмирза Бойтуманович	1955	Бувайда туман тиббиёт бирлашмаси шошилинч тиббий ёрдам бўлими жарроҳи	Бувайда тумани	O‘zLiDeP
26-Данғара сайлов округи				
Имамалиева Кимяхон Ахмедовна	1948	Данғара туманидаги “Увайсий” маҳалла фуқаролар йиғини раиси	Данғара тумани	O‘zLiDeP
27-Мулкобод сайлов округи				
Жуманов Анваржон Азимжонович	1973	Данғара туманидаги “Давр нажот шифо” масъулияти чекланган жамияти раҳбари	Данғара тумани	O‘zLiDeP
28-Оқжар сайлов округи				
Турдиқулов Улуғбек Ғаниевич	1972	Данғара туманидаги “Зоовет” хусусий корхонаси раҳбари	Данғара тумани	O‘zLiDeP
29-Ёзёвон сайлов округи				
Эминов Отабек Джураевич	1973	Ёзёвон туманидаги “Ёзёвон” маҳалла фуқаролар йиғини раиси	Ёзёвон тумани	O‘zLiDeP
30-Хонобод сайлов округи				
Эргашев Хасанбой Холмуроджонович	1968	“Агробанк” акциядорлик-тижорат банки Фарғона вилоят бошқармаси Ёзёвон филиали бошқарувчиси ўринбосари	Ёзёвон тумани	O‘zLiDeP
31-Қува сайлов округи				
Максудов Бахтиёржон Мухаммадхонович	1977	Республика шошилинч тез тиббий ёрдам илмий маркази Андижон филиали нейрохирурги, “Зайтун мед гроп”, “Сино фарм мед гроп” масъулияти чекланган жамиятлари раҳбари	Қува тумани	O‘zLiDeP
32-Т.Қодиров сайлов округи				
Холматова Матлубахон Эргашалиевна	1967	Қува туманидаги “Баркамол авлод” болалар маркази директори	Қува тумани	O‘zLiDeP
33-М.Шербўтаев сайлов округи				
Хожиматов Хожиакбар Комилович	1985	Қува тумани “Қуббо принт Назиржон” масъулияти чекланган жамияти раҳбари	Қува тумани	O‘zLiDeP
34-Деҳқонобод сайлов округи				
Икрамов Захид Закирович	1977	Фарғона вилояти фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши раиси	Фарғона шаҳри	O‘zLiDeP
35-Тинчлик сайлов округи				
Муротова Лола Неъматовна	1958	Олтиариқ туманидаги “Нурли Обод” фермер хўжалиги раҳбари	Олтиариқ тумани	O‘zLiDeP
36-Олтиариқ сайлов округи				
Пармонкулова Юрсуной Тулановна	1963	Олтиариқ туманидаги “Ғуломжон ўғли Номонжон” фермер хўжалиги раҳбари	Олтиариқ тумани	O‘zLiDeP
37-О.Мадалиев сайлов округи				
Комилов Холматжон Адилович	1956	Меҳнат фахрийси, жамоатчилик кенгаши раиси	Олтиариқ тумани	O‘zLiDeP
38-А.Алигавхаров сайлов округи				
Мирзаахмедов Расулжон Тургунбаевич	1973	“Ҳунарманд” уюшмаси Фарғона вилояти бошқарма бошлиғи	Қўштепа тумани	O‘zLiDeP
39-Ал Хоразмий сайлов округи				
Темирова Гулбахор Ахраровна	1962	Қўштепа туманидаги “Мўжизалар олами” хусусий мактабгача таълим ташкилоти мудираси	Қўштепа тумани	O‘zLiDeP
40-Пахтакор сайлов округи				
Тожихўжаев Ғиёс Улмасович	1965	Марғилон шаҳридаги “Ўлмасхўжа Тожи Азиз” хусусий корхонаси раҳбари	Қўштепа тумани	O‘zLiDeP
41-Риштон сайлов округи				
Тожидинов Равшан Рафиқжонович	1977	Риштон туманидаги “Корон” кулолчилик ишлаб чиқариш корхонаси раҳбари	Риштон тумани	O‘zLiDeP
42-М.Топиболдиев сайлов округи				
Абдуолимова Малика Темировна	1966	Риштон туманидаги Амиробод қишлоқ врачлик пункти шифокори	Риштон тумани	O‘zLiDeP
43-Бўстон сайлов округи				
Тожиалиева Махсудахон Холматовна	1967	Риштон туманидаги “Зангори водий мебел” оилавий корхонаси раҳбари	Риштон тумани	O‘zLiDeP
44-Сўх сайлов округи				
Азимов Мурод Камилович	1990	“Агробанк” очиқ акциядорлик тижорат банки Фарғона вилояти бошқармаси бошлиғи	Марғилон шаҳри	O‘zLiDeP
45-Дўстлик сайлов округи				
Эрназаров Фаррух Саврoнович	1984	Сўх туман статистика бўлими бошлиғи	Сўх тумани	O‘zLiDeP
46-Тошлоқ сайлов округи				
Джурабаев Абдукаххор Абдувахидович	1980	Фарғона вилояти пахта тўқимачилик кластери тизимидаги “Expo Kolor Print Tex” масъулияти чекланган жамияти бош директори	Фарғона шаҳри	O‘zLiDeP
47-Заркент сайлов округи				
Кавлонова Камила Анваровна	1962	“Оила” илмий-амалий тадқиқот маркази Фарғона вилояти бошқармаси бошлиғи	Тошлоқ тумани	O‘zLiDeP
48-Қумариқ сайлов округи				
Камалов Рахматулло Ибрагимович	1956	O‘zLiDeP Фарғона вилояти кенгаши раиси, Тошлоқ туманидаги “Камолов Рахматуллоҳ” фермер хўжалиги раҳбари	Тошлоқ тумани	O‘zLiDeP
49-Ғаниобод сайлов округи				
Тўйчиев Хуршидбек Собиржонович	1980	Ўзбекистон туманидаги “Уста Отақўзи” фермер хўжалиги раҳбари	Ўзбекистон тумани	O‘zLiDeP
50-Яйпан сайлов округи				
Деҳқонов Қахрамон Абдумаликович	1974	Ўзбекистон туман тиббиёт бирлашмаси жарроҳлик бўлими мудири	Ўзбекистон тумани	O‘zLiDeP
51-Қораёзбобо сайлов округи				
Махкамова Хуршидахон Собиржоновна	1977	Ўзбекистон туманидаги “Баркамол авлод” болалар маркази директори	Ўзбекистон тумани	O‘zLiDeP
52-Учкўприк сайлов округи				
Турсунов Акбархўжа	1947	Учкўприк тумани “Тошкентлигузар” маҳалла фуқаролар йиғини раиси	Учкўприк тумани	O‘zLiDeP
53-А.Қодирий сайлов округи				
Ўлмасов Дилмурод Низомжонович	1982	Учкўприк туманидаги “Дўстлик” фермер хўжалиги раҳбари	Учкўприк тумани	O‘zLiDeP
54-Ғ.Ғулом сайлов округи				
Охунжонова Уктамой Шариповна	1973	Учкўприк тумани тиббиёт бирлашмасида бош ҳамшира	Учкўприк тумани	O‘zLiDeP
55-Водил сайлов округи				
Собирова Саида Камиловна	1978	Фарғона вилояти фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши бўлим бошлиғи	Фарғона шаҳри	O‘zLiDeP
56-Аввал сайлов округи				
Рахманқулов Шерзоджон Турсуналиевич	1984	Фарғона шаҳридаги “Экспертиза строй инвест” масъулияти чекланган жамияти таъсисчиси	Фарғона шаҳри	O‘zLiDeP
57-Ҳ.Олимжон сайлов округи				
Мўллажонова Дилдора Хамидуллаевна	1973	Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фарғона вилоятидаги Халқ қабулхонаси мутахассиси	Фарғона шаҳри	O‘zLiDeP
58-Ҳувайдо сайлов округи				
Аскарова Нигорахон Акбаровна	1976	Фарғона “Саховат” кексалар ва ногиронлиги бўлган шахслар учун интернат уйи директори	Фарғона тумани	O‘zLiDeP
59-Фурқат сайлов округи				
Ғаниев Нурали Хамзалиевич	1964	Фурқат туманидаги “Шабода – Н” фермер хўжалиги раҳбари	Фурқат тумани	O‘zLiDeP
60-Муқимий сайлов округи				
Жўраев Зиёдулло Комилович	1976	Фурқат туманидаги “Жаннатмакон юрт ўғлонлари” фермер хўжалиги раҳабри	Фурқат тумани	O‘zLiDeP

Давоми келгуси сонларда.

Бизнинг номзодлар

Ишончни оқлаш керак

Андижон шаҳридаги 21-Истиқлол сайлов округидан Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлигига номзоди кўрсатилган O'zLiDeP аъзоси Элёрбек Ниязовнинг сайловолди дастурида "Давлат ҳам, ислоҳотлар ҳам инсонга хизмат қилиши керак" тамойилини ҳаётга татбиқ этиш бош мақсадга айланган.



Истиқлолимиз моҳиятини жозибадор тасвирларда, бугунги давр бунёдкорликларини рангин суратларда халққа етказишда "Тасвирий ойина" ижодий уюшмасининг алоҳида ўрни бор. Инсонлар онгу шууридаги, руҳиятидаги ижобий ўзгаришларни оммага таъсирчан воситалар орқали кўрсатиш замирида фидойи меҳнат мужассам. Уюшманинг вилоят бўлими раҳбари Элёрбек Ниязов партиямиз фаолларидан. O'zLiDeP Андижон вилоят Кенгаши раисининг ёшлар масалалари бўйича ўринбосари сифатидаги фаолияти ҳам таҳсинга лойиқ. Номзод иш тажрибасидан келиб чиқиб, ёшлар муаммолари ечимига қаратилган асосли таклифларни илгари сурмоқда. Суҳбатларда, очиқ мулоқотларда "Ёшлар ўртасида ишсизликка ўрин йўқ" деган ғояни амалга ошириш бўйича режаларини баён этмоқда. Зеро, аҳоли бандлиги, ишсизлик даражасини қисқартириш, меҳнатга муносиб ҳақ тўлаш – ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг энг муҳим шартларидан саналади. Оилавий тадбиркорлик, касаначилик, томорқачилик, хусусий тадбиркорликни тараққий топтириш орқали мазкур масалани ҳал қилиш мумкин.

– Бу борада қандай ишларни бажариш кераклиги бўйича аниқ тасаввурга эгамиз, – дейди Элёрбек Ниязов. – Истиқболли лойиҳаларни қўллаб-қувватлаш билан долзарб вазифалар ижросини таъминлашга эришаётганимиз кейинги қадамлар учун туртки бўлмоқда. Тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ва илғор технологияларни миллий иқтисодиётнинг устувор соҳаларига жалб қилиш зарур. Минтақавий ва халқаро сиёсатнинг энг муҳим йўналишлари бўйича Ўзбекистоннинг амалий ташаббусларини илгари суришда илғор механизмлардан фойдаланиш кутилган натижани бериши шубҳасиз. Жумладан, жаҳоннинг йирик бозорларига чиқиш имкониятини берадиган транспорт-коммуникация йўлакларининг кўп вариантли тизимларини шакллантиришга қаратилган лойиҳаларни амалга ошириш вақти келди. Шу билан бирга, хўжалик юритувчи субъектларнинг хорижда савдо ваколатхоналари очилишига, уларнинг вакиллари халқаро тадбир ва кўргазмаларда иштирок этишига, чет элларда мамлакатимиз фуқаролари ва юридик шахсларнинг ҳуқуқ ва манфаатлари ҳар томонлама ҳимоя қилинишига доир қонунчиликни мустаҳкамлаш зарурати туғиляпти.

Партиямиз сайловолди дастурида Ўзбекистонни бизнес юритиш ва инвестиция киритиш учун энг жозибадор мамлакатлар қаторидан ўрин олишини таъминлаш зарурлиги қайд этилган. Бунга эришиш учун бир тану бир жон бўлиб ҳаракат қилмоғимиз шарт. Бирдамлик – синовларни енгувчи омилдир. Ватан келажагига дахлдорлик ҳисси билан яшаш виждонан фаолият олиб боришни талаб қилади. Бугун бизга ишонаётган одамлар эртага ноумид бўлиб қолмасликлари керак.

Номзоднинг фикр ва ғоялари сайловчиларга маъқул келяпти. Шу ўринда унинг учрашувларда кўп такрорлайдиган гапларини айнан келтириш жоиз: "O'zLiDeP – бунёдкорлар партияси! Биз ислоҳотлар йўлидаги ҳар қандай тўсиқни енгиб, зиммамиздаги вазифаларни виждонан адо этишга тайёр кучмиз. Фаровонлигимиз бунёдкорлари – тадбиркор ва ишбилармонлар манфаатларини бундан кейин ҳам изчиллик билан ифода этамиз. Бу борада аниқ режа ва мақсадларга эгамиз!"

Зилола РАҲМОНОВА,
"XXI asr" мухбири



Қонунларни билиш орқали ҳуқуқ ва мажбуриятлар англанади. Уларга амал қилинса, демократик жамият, фаровон ҳаёт барпо этилади. Бу оддий ҳақиқат! Уни англаш учун, аввало, тушуниш, ҳис қилиш керак. Бироқ ҳамма ҳам қонунларни оддий тилда тушунтира ва етказа олмайди. Буни уддалайдиган инсон ҳақиқий устоздир. Бундай устозга шогирд бўлиш чинакам бахт.

Байрам байрамдай бўлди

Учтепа туманидаги 62-мактабда 3ª-синф раҳбари Холисхон Жалилова ўқувчилари билан биргаликда Конституциямиз қабул қилинганининг 27 йиллигига бағишлаб ўтказган тадбирда қатнашиб шунга гувоҳ бўлдим. Таклиф этилган меҳмонлар – шу синф ўқувчиларининг ота-оналари, бобо ва бувилари, ўқитувчилар дастлаб болажонлар йил давомида ва айни санага атаб ўз қўллари билан тайёрлаган ижодий ишларни томоша қилишди. Қонун моддаларининг мағзи, мазмуни тасвирий ва амалий санъат орқали моҳирона ифодаланган ҳар бир асарда Конституция – бу менинг бахтим, келажагим маънолари, мурғак қалб эгаларининг мусаффо орзулари акс этиб турарди. Синф раҳбари томошабинларга ҳар бир ишнинг муваффақияти ва уни тайёрлаган ўқувчининг шахси, меҳнати, дарсда иштироки, хулқ-атвори билан алоҳида таништириб борди.

Шундан сўнг ўғил-қизлар бийрон тилларида Бош қомусимизнинг ўттиздан ортиқ моддаларини ёддан айтишди, мустақил Ўзбекистоннинг бахтиёр фарзандлари эканликларини қуй-қўшиқ, рақсларида, саҳна кўринишларида ифодалашди.

Айтиш мумкинки, айни тадбир шу пайтгача гувоҳи бўлганим кўплаб анжуманлардан тилининг ўта соддалиги, байрамона шукуҳи, оммани жалб эта олиши ва айниқса устоз-шогирдлар бирдамлиги, саҳнада бир-бирини тўлдира олиши билан алоҳида ажралиб турди.

Ўз мухбиримиз

Имконият

Етук кадрлар тараққиётни белгилайди

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Агросаноат мажмуи устидан назорат қилиш инспекцияси Андижон вилояти бошқармасида соҳа мутахассислари малакаси ва ҳуқуқий саводхонлигини ошириш мақсадида ўқув амалий семинари ташкил этилди.

Тадбирни кириш сўзи билан очган вилоят бошқармаси бошлиғи Абдуғофир Сулаймонов ходимларнинг билим-савияси, маҳорати, одоб-ахлоқи юқори даражада бўлиши соҳа тараққиётида муҳим аҳамиятга эгалигини алоҳида таъкидлади.

– Семинарда қишлоқ хўжалиги соҳасида кейинги йилларда қабул қилинган қатор меъёрий ҳужжатларнинг мазмун-моҳияти тушунтирилди, – дейди инспекциянинг вилоят бошқармаси маъмурий амалиёт бўлими бош инспектори Ф.Ахунов. – Таъкидланганидек, қонунларга киритилган қатор ўзгартиш ва қўшимчалар натижасида инспекция органларига қишлоқ хўжалиги соҳасидаги маъмурий ҳуқуқбузарликларни кўриб чиқиш ва маъмурий жазо чораларини қўллаш ваколати берилди. Бундай семинарларни ўтказишдан кўзланган асосий мақсад ҳам тизимдаги янгиликлардан ходимларни огоҳ этиш, улар томонидан қонунларни тўғри қўллаш ва ўз муддатида ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш чораларини кўриш усулларини ўргатишдан иборатдир.

Тадбир давомида инспекция марказий маҳкамасининг тегишли тармоқ ходимлари томонидан қарорлар ижросини таъминлаш, маъмурий ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, аниқланган ҳолатлар бўйича баённомаларни расмийлаштириш борасидаги саволларга батафсил жавоб қайтарилди.

Саидолим ТЎРАХЎЖАЕВ,
Агроинспекциянинг
Андижон
вилоят бўлими мудири

"Регистон туризм" маркази мана уч йилдирки, аҳолига беминнат хизмат кўрсатиб келмоқда. Йил бошида хорижий тилларни ўқитиш йўлга қўйилгани мижозлар сони ошишига сабаб бўлди. Биринчи синфдан бошлаб катта ёшдагилар ҳам инглиз, корейс, ўзбек, рус тиллари ва математика фанидан билим олмоқда.

Марказда муваффақиятлар кўп

– Эндиликда мактаб ёшига етган болажонларни Президент мактабларига тайёрлашни ҳам йўлга қўймоқчимиз, – дейди марказ иш юритувчиси Дамир Раҳматов. – Шу мақсадда олий тоифали мутахассисларни жалб этдик. Шунингдек, хоҳловчиларни хорижий институтларга ўқишга ҳам йуналтиряпмиз. Ҳозирда Польша ва Жанубий Корея давлатлари олий ўқув юртларида таълим олиш истагидагилар кўплиги боис айни институтлар талаблари асосида дарс ташкил этяпмиз. Фаолиятимиз давомида мамлакатимизда кечаётган сиёсий жараёнларга ҳам бефарқ эмасмиз. Икки йилдирки, O'zLiDeP аъзоси сифатида мунтазам равишда тадбирларда фаол қатнашиб келяпмиз.

Марказ мутассадиларининг таъкидлашича, машғулотлар учун кам таъминланган оилалар фарзандларига 50 фоиз чегирма берилган.

Албатта, катта режалар ҳали олдинда. Келгуси йили интенсив боғ ва қуёнчилик йўлга қўйилса, корхонага яна анча-мунча ишчилар керак бўлади.

Муҳаббат РАВШАНОВА,
"XXI asr" мухбири

ЭЪЛОН

"Best realtor"

масъулияти чекланган жамияти

Тошкент минтақавий филиали бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдоларига таклиф этади!

Аукцион савдосига "TOSHKENT MEXANIKA ZAVODI" АЖнинг 2019 йил 9 декабрдаги №190-442-сонли буюртма хатига асосан филиал балансидаги қуйидаги кўчмас мулк объекти қўйилмоқда:

– Тошкент шаҳри Яшнобод тумани Бирлашган 2-тор 3ª-уйда жойлашган, умумий майдони 97,0 кв. метр, фойдаланиш майдони 76,3 кв. метр бўлган Литер0001-насосхона биноси, **бошланғич баҳоси – 350 000 000 сўм.**

Аукцион савдоси 2020 йил 16 январь куни соат 15:00 дан бошлаб ўтказилади. Буюртмалар расмий иш кунлари соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади (13:00 дан 14:00 гача тушлик вақти). Буюртмаларни қабул қилишнинг охирги муддати: 2020 йил 14 январь соат 18:00.

Юқоридаги кўчмас мулк объектлари 2020 йил 16 январь куни бўлиб ўтадиган аукцион савдосида сотилмаган тақдирда 2020 йил 31 январь ва 17 февраль кунлари соат 11:00 да такрорий савдолар бўлиб ўтишини олдиндан маълум қиламиз. Такрорий савдолар учун буюртмаларни қабул қилиш савдо кунидан бир кун олдин 18:00 да тўхтатилади.

Савдода қатнашиш учун буюртма билан бирга қуйидагилар тақдим этилади:

– юридик шахслар учун – давлат рўйхатидан ўтказилганлик тўғрисидаги гувоҳноманинг нусхаси, шунингдек, тўлиқ ваколатли вакилнинг савдода қатнашиши учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган, унинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжатнинг нусхаси илова қилинган ишончнома;

– жисмоний шахслар учун – паспорт нусхаси, савдода тўлиқ ваколатли вакил қатнашган тақдирда, шунингдек, қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган, тўлиқ ваколатли вакилнинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжатнинг нусхаси илова қилинган ишончнома;

– аукцион тўғрисидаги билдиришномада кўрсатилган банк ҳисобрақамига закалат тўланганини тасдиқлайдиган тўлов ҳужжатининг нусхаси.

Талабгорлар объект бошланғич баҳосининг 15 (ўн беш) фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини савдо ташкилотчиси "Best realtor" МЧЖ пойтахт минтақавий филиалининг АТБ "Kapitalbank" Тошкент шаҳар филиалидаги қуйидаги ҳисобрақамига тўлашлари шарт: 20208000500433601001, МФО: 00445, СТИР: 303179580.

Савдо ташкилотчиси жойлашган ва савдода иштирок этиш учун буюртманомалар қабул қилинадиган манзил:

Тошкент шаҳри Амир Темур кўчаси 25-уй.
Телефон: (99895) 144-66-55;
сайт: www.mailto:rieltsavdo@inbox.uzemulk.uz;
электрон почта: emulkuz@mail.ru

Лицензия RR-0225.

Хизматлар лицензияланган.

ЭЪЛОН

"Шўртан газ кимё мажмуаси"

масъулияти чекланган жамияти

ишлаб чиқариш заруриятидан келиб чиқиб, муҳандис-техник ва ишчи-ходимлар малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш учун ўқув курсларини ташкил этиш мақсадида:

корхоналарда газдан қутқариш кўнгилли дружиналарини ташкил этиш (барча газ, портлаш ва ёнғиндан хавфли объектларда зарур назоратни таъминлай оладиган газдан қутқариш кўнгилли дружиналарни ташкил этиш) йўналиши бўйича

2019 йилнинг 25 декабригача Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги ўқув корхона ва ташкилотлари билан шартнома тузиш учун танлов эълон қилади.

Танлов шартлари билан мажмуанинг расмий веб-сайти (www.sgcc.uz) орқали танишишингиз мумкин.

Манзил: 180300, Қашқадарё вилояти Ғузор тумани Шўртан қўрғони "Шўртан газ кимё мажмуаси" МЧЖ.

Тел/факс: (0375) 221-02-27, (0375) 552-40-16.
Веб-сайт: www.sgcc.uz
Электрон почта: sgcc @sgcc.uz

Хизматлар лицензияланган.

ЭЪЛОН

"Шўртан Газ Кимё мажмуаси"

масъулияти чекланган жамияти

◆ стол календари, ◆ осма календарь

сотиб олишини маълум қилади.
Манзил: Қашқадарё вилояти Ғузор тумани Шўртан қўрғони.
Инд. 180300. Тел/факс: (998 75) 552 40 07, 552 41 44.
Веб-сайт: www.sgcc.uz. **Электрон почта:** metrolog@sgcc.uz

"RAVSHAN ZAR" шўъба хўжалик жамиятига тегишли муҳр ва штамп йўқолгани сабабли бекор қилинади.

Тадбиркор ҳуқуқлари қонун ҳимоясида

Мажбуриятини унутган икки карра тўлайди

Тадбиркорлик фаолияти ва ривожида мажбуриятларнинг ўз вақтида бажарилиши ҳам муҳим аҳамиятга эга. Маълумки, мажбуриятлар тарафлар ўртасида имзоланган шартномада акс этиб, ўзаро келишув шартлари ва қонун ҳужжатларига мувофиқ лозим даражада бажаришни тақозо қилади.



Пудрат шартномаси

Мазкур шартнома бўйича бир тараф (пудратчи) иккинчи тараф (буюртмачи)нинг топшириғига биноан муайян ишни бажариш ва белгиланган муддатда топширишни, буюртмачи эса иш натижасини қабул қилиб олиш ва бунинг учун ҳақ тўлаш мажбуриятини олади *(Фуқаролик кодекси 631-моддаси)*.

Мажбуриятларнинг ўз вақтида бажарилмаслиги эса бир қатор ҳуқуқий оқибатларни келтириб чиқаради: қарз, пеня, қўшимча қиймат солиғи, суд харажатлари тўлови...

Келинг, яхшиси, фикримизни яқинда Термиз туманлараро иқтисодий судида кўрилган бир иш тафсилоти билан давом эттирсак. Албатта, тадбиркорлик субъектларининг бузилган ҳуқуқ, манфаат ва эркинликларини таъминлаш судларнинг асосий вазифаларига киради.

Даъвогар – вилоят прокуратураси

Даъвогар – Сурхондарё вилоят прокуратураси. Мазкур ҳуқуқни муҳофаза қилувчи орган тадбиркорлик субъекти – "Luksomer" масъулияти чекланган жамиятининг манфаатини кўзлаб, жавобгар – "Трансйўлқурилиш Сурхон магистрал" масъулияти чекланган жамияти ҳисобидан қарзни ундириш тўғрисидаги даъво аризаси билан иқтисодий иш қўзғатган эди.

Даъво аризасида жавобгар ҳисобидан жами 1 778 972 662 (бир миллиард етти юз етмиш саккиз миллион тўққиз юз етмиш икки минг олти юз олтмиш икки минг) сўм қарзни ундириш сўралган. *("Luksomer" даъво талабининг миқдорини камайтириб, жавобгар жами 1 279 060 909 (бир миллиард икки юз етмиш тўққиз миллион олтмиш минг тўққиз юз тўққиз минг)* сўм қарзни ундириб беришни сўради. Суднинг шу кундаги ажримига асосан "Luksomer" МЧЖнинг даъво талаби миқдорини камайтириш ҳақидаги талаби қабул қилинган).

Ҳужжатлар ўрганилгач...

Албатта, ҳар қандай вазиятда суд тарафларнинг тушунтиришларини тинглайди, ишдаги мавжуд ҳужжатларни ўрганиб чиқади. Сўнг тегишли асосларга кўра якуний хулосага келади.

Аниқланишича: пудратчи "Luksomer" ва буюртмачи "Трансйўлқурилиш Сурхон магистрал" масъулияти чекланган жамиятлари ўртасида 2017 йил 7 февраль ва 2018 йил 20 май куни имзоланган пудрат шартномаларига асосан қўшимча келишувлар тузилган. "Luksomer" буюртмачи томонидан таъмирланаётган Термиз шаҳрининг йўлларида тунги ёритиш чироқларини ўрнатиш ва автобекатларни қуриш ишларини бажариш, "Трансйўлқурилиш Сурхон магистрал" эса иш ҳажми бўйича бажариш учун шароит яратиш, ишларни қабул қилиш ва тўловларни ўз вақтида амалга ошириш мажбуриятини олган.

Пудратчи жами 2 797 869 525 сўмлик ишни бажарган ва бу хизматларнинг 1 979 782 697 сўми тўлаб берилган *(2 797 869 525-1 979 782 697=818 086 828)*. Қолган 818 086 828 сўмни тўлаш эса ҳануз пайсалга солиб келинмоқда. Қарз мавжудлиги тарафлар ўртасида тузилган шартномалар, қўшимча келишувлар, ишлар бажарилгани тўғрисидаги ҳисобварақ-фактура ҳамда ишларни қабул қилиш далолатномалари билан ўз тасдиғини топди!

Кўриниб турибдики, даъвогарнинг жавобгар томонидан 818 086 828 сўм асосий қарз ундириш ҳақидаги талаби асосли ва у қаноатлантирилмоғи керак. Даъвогар, шунингдек, жавобгар ҳисобидан асосий қарз билан бирга пеня, пул маблағларидан ўз мақсадлари йўлида фойдаланган боис фоиз ва қўшимча қиймат солиғи тўлови ундириб беришни сўраган.

Қонунчилик нима дейди?

Тарафлар ўртасида тузилган шартномаларнинг 34-бандида кўрсатилишича, буюртмачи тўлов муддатини кечиктирганда, кечиктирилган ҳар бир кун учун 0,2 фоиз миқдорида пеня тўлайди, бунда пенянинг умумий суммаси бажарилмаган ишлар ёки кўрсатилмаган хизматлар қийматининг 30 фоизидан ошмаслиги даркор.

Айтиш жоизки, Олий хўжалик суди пленумининг "Мажбуриятларни бажармаганлик ёки лозим даражада бажармаганлик учун мулкий жавобгарлик тўғрисидаги фуқаролик қонун ҳужжатларини қўллашнинг айрим масалалари ҳақида"ги қарори 4-бандида Фуқаролик кодексининг 326-моддасига мувофиқ суд қарздор томонидан мажбуриятларнинг бажарилиш даражасини, мажбуриятда иштирок этувчи тарафларнинг мулкий аҳволини, шунингдек, кредиторнинг манфаатларини эътиборга олиб, неустойка миқдорини камайтиришга ҳақлилиги, неустойканинг энг кам миқдори Фуқаролик кодексининг 327-моддасида кўрсатилган фоизлар миқдоридан кам бўлмаслиги лозимлиги ҳақида тушунтириш берилган.

Айни кодекс 327-моддасининг биринчи қисмига кўра, бошқа шахсларнинг пул маблағларини ғайриқонуний ушлаб қолиш, қайтариб беришдан бош тортиш, тўлашни бошқача тарзда кечиктириш ёхуд бошқа шахс ҳисобидан асоссиз олиш ёки жамғариш натижасида улардан фойдаланганлик учун фоиз тўланиши жоиз. Бундан ташқари, суд харажатлари жавобгар зиммасига юклатилади.

Суд даъвогарнинг даъво талабларини қисман қаноатлантиришни лозим топди. Хусусан, "Трансйўлқурилиш Сурхон магистрал" ҳисобидан "Luksomer" фойдасига 818 086 828 сўм асосий қарз, 87 044 438 сўм пеня, 87 044 438 сўм фоиз ва олдиндан тўланган 16 218 сўм почта харажатлари ундириш тўғрисида қарор чиқарди. Жавобгар зиммасига, шунингдек, Республика бюджети ҳамда суд ҳокимияти органларини ривожлантириш жамғармасига 35 579 453,24 сўм давлат божини тўлаш юклатилди. Бу эса жавобгар давлат божи ва суд харажатларини қўшиб ҳисобланганда жами 1 027 771 375,45 *(1 миллиард 27 миллион 771 минг 375 минг сўм 45 тийин)* тўлаш шарти демакдир.

Кўриб турганингиздек, ўз вақтида бажарилмаган мажбуриятлар ишлаб чиқариш субъектлари учун жуда муҳим бўлган маблағ ва вақт исрофига олиб келади. Агар уларга ўз вақтида эътибор қаратилганида шунча оворагарчиликка ҳожат қолмас эди. Буюртмачи мажбуриятини унутгани учун энди икки карра тўлашга мажбур.

Асрор МАҲАММАДИЕВ,
Термиз туманлараро иқтисодий судининг судьяси.
Нурхон ЭЛМИРЗАЕВА,
"XXI аср" мухбири

ТАБРИК

Uzkimyosanoat
АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ


UZ-POTASH

"Деҳқонобод калий заводи"
масъулияти чекланган жамияти

барча юртдошларимизни яқинлашиб келаётган
янги – 2020 йил билан самимий қутлайди.
Янги йил юртимиз учун барақали, омадли келсин.
Элимиз дастурхони ҳамиша тўкин-сочин бўлсин.
Хонадонларимизни бахт ва қувонч, тотувлик
ҳеч қачон тарк этмасин.
2020 йилда ҳам эзгу ниятларимиз
ижобат бўлаверсин!









Хизматлар лицензияланган

Афсус

Битта дарахт экмаган одамдан қўрқиш керак

ёхуд пойтахтимизнинг Учтепа туманидаги бунёдкорликлар кимга халал бераяпти?

20 йилдан бери Учтепа туманида яшайман. Туманимнинг ҳозирги қиёфасини ўша пайтдагиси билан таққослаганда сезиларли ижобий фарқни англаш мумкин.

Айниқса, жорий йилда бу ерда ободонлаштириш, бунёдкорлик ишлари янада авж олди. Биргина Лутфий кўчасини олайлик. Йўлингиз тушиб қолса, энди адашиб қолишингиз ҳеч гапмас. Кўпчилик билади, аввал бу кўчадаги икки томонлама автомобиль йўллари орасидан саҳармардондан ярим тунгача трамвай ҳаракатланар, бундан шу атрофда яшовчи аҳоли анча безовта бўлар эди. Ўтган йили мазкур жамоат транспортининг ҳаракати тўхтатилгач, унинг темир излари олиб ташланган эди. Икки тарафида кўп йиллик дарахтлар саф тортган бу излар ўрни бўш ётган эди.

Ундан ўринли фойдаланиш мақсадида айни собиқ трамвай йўли, хусусан, Фарҳод бозори чорраҳасидан "Ватан" кинотеатри чорраҳасигача бўлган масофа ободонлаштирилиб, аҳоли учун гўзал дам олиш маскани – Лутфий сайилгоҳи барпо этилди! Бундай кутилмаган ўзгаришни кўриб бирам қувондимки...

Эни тахминан 15 метр, узунлиги 2 километр бўлган мазкур сайилгоҳда ўрнатилган чиройли ўриндиқ ва ўриндиқчалар, тунда ҳам кундуздай ёритиб турадиган чироқлар, озодаликни таъминлаш учун ҳар қадамдаги чиқинди қутилари, келгусида тадбиркорлик субъектлари савдо қилиб дам олувчиларга қулайлик яратиш учун қурилган замонавий дўконлар, фавворалар, хуллас, барча имкониятлар яратилди. Айниқса, унинг икки томонига махсус тўсиқлар ўрнатилдики, бу ота-оналар ё сайр қилувчиларнинг ёш болалари кутилмаганда машина йўлига чиқиб кетишидан ҳимоялаб турарди. Дарахтлар қатори яна кўркам арчалар билан тўлдирилди, пиёдалар ўтадиган йўлакка ўтиш қисмларига йўналишни кўрсатиб турувчи белгилар қўйилди. Белгилар шиша қопламали каттагина экранга жойлаштирилиб, кечаси ҳам ўқий олиш учун ички чироқ ўрнатилган. Хуллас, сайилгоҳда барча шароитлар – мароқли ва хавфсиз дам олишимиз учун неки зарур бўлса ҳаммаси муҳайё этилган эди.



Энди марказдаги номдор сайилгоҳларга боришга ҳожат қолмади, десам ишонаверинг. Чунки кечки пайтлар мен ҳам фарзандларим билан масза қилиб сайр қилдик, мароқли дам олдик. Айниқса, кун давомида компьютер қаршисидаги меҳнатдан сўнг ишдан қайтишда бу ерда пиёда юришни одат қилгандим.

Ҳаво ўзгариб, сал совуқ тушгач, ҳар кунги одатимиз сал камайди. Аммо... яқинда шу маскандан ўтаётиб ҳафсалам пир бўлди!

Балки фарзандларим бирваракайига қичқирмаганида эътибор бермаган бўлармидим.

Ойижон, қаранг, синдириб кетишибди!

Ҳақиқатан ҳам "Сайилгоҳдан чиқиш" ёзуви ўрнатилган махсус экраннинг қопламаси синдириб ташланган, чироқлар қопламага қўшилиб осилиб ётарди.

Сал юриб бундан баттар манзараларга гувоҳ бўлдик: ўриндиқлар қўпорилган, чиқиндилар тегишли қути қолиб гулдонларга улоқтирилган, йўл четларидаги манзарали кўчатлар, ранг-баранг чироқчалар юлиб олинган эди... Хуллас, қанча маблағ ва меҳнат сарфланган гўзал маскан ярим йил ўтмаёқ ишдан чиқаёзган эди. Шу онда кечалари биз ширин уйқуда ётганда чироқ остида тонггача бедор бўлиб ишлаган юртдошларимнинг машаққатли меҳнат жараёнларидаги шовқини қулоғимда чалинди қайтадан.



Ҳайрон қоласан киши, баъзиларда бунёдкорликдан кўра вайронкорлик туйғуси устунмикан? Буни бажараётган нокаслар ҳеч қурса уни бунёд этганларнинг меҳнатига ичи ачиса бўлармиди? Эсиз, эсиз...

Шуларни ўйлар эканман, ҳофизнинг бир қўшиғи эсимга тушди: "Битта товуғига катак қурмаган меҳнатнинг қадрини қаердан билсин?!". Бу ердаги бузғунчиликларниям кимлар қилгани аниқ – умрида бировга яхшилик раво кўрмаган пасткашлар-да!

Афсус, шундай кимсалар сизу биз билан бир осмон остида яшаб, ёнгинамизда тоза ҳаводан нафас олиб яшаётир. Бундайларга қандай чора кўриш мумкин, Яратганнинг жазосидан қўрқмайдиган касларга бандаси қандай бас келсин? Битта йўли қолди: энди шаҳримиздаги барча кўча-кўйлар, катта-кичик бинолар, иншоотлар видеокамералар назоратига олинаётган бир пайтда, демак, шу каби дам олиш масканларига ҳам жиддий қўриқлаш тизимларини ўрнатмасак бўлмас экан.




Нурхон ЭЛМИРЗАЕВА,
"XXI asr" мухбири
Муаллиф олган суратлар

Хотира саодати

Миллат манглайига битган шахсият

Миллий журналистикамиз тамал тошини қўйганлардан бири, улуғ ёзувчи Абдулла Қодирий ўзбек матбуотининг муҳим мезонларини белгилашга интилди, танқидий мақолалари билан ҳақиқат ва маърифат йўлида "жиҳоди акбар" қилишни маъқул билди.



Маҳмуд Саъдий мана шу ворисийликни имон-эътиқод билан давом эттирди ва сўнгги нафасигача содиқ қолди. Ўзбек адабиётининг чинакам жонкуяри бўлиб яшади, она тилининг софлиги йўлида бор кучини, истеъдодини сафарбар қилди. Имкони доирасида ҳақиқат учун курашди, ютди, ютқазди, кўнгли ўртанди, аммо ортга чекинмади, ялтоқланмади.

Маҳмуд Саъдийнинг сўнгги суҳбатларини тинглаб, ўзининг яшаш тарзидан, ҳаётий тутумларидан рози кетганини англаш мумкин. Фарзанду шогирдлардан кўнгил тўлиб гапириш... ҳар кимга ҳам насиб этмайдиган улуғ неъмат. Ўн йил илгари чоп этилган "Қадр" (тузувчи: Ҳалим Саидов) тўпламида ҳам Маҳмуд Саъдий сийратига замондошлари: устоз, дўст ва шогирдлари ўзига хос чизгилар берган. Миллий журналистикамиз ва ўзбек бадиий тафаккури такомилида устознинг хизматлари беқиёслиги очилган.

Устоз бутун салоҳияти ва кўз нури билан таҳририни санъат даражасига кўтарди. Ўзбек адабиёти ва журналистикаси учун фильтр вазифасини ўташ қанча машаққат ва қора меҳнатни талаб этади. Унинг қўлидан ўтган кўплаб "эъжод" намуналари эпақага келиб, адабий ҳаётини яшамоқда. Маҳмуд Саъдий бу юмушни пул, мартаба, обрў учун қилмагани аниқ. Адабиёт экологиясини асрашдек муқаддас вазифани чин кўнгилдан, беминнат ва холис адо этди. Тўғри, тили аччиқ ва кескир эди, ўз вақтида мен ҳам "насиба"мни олганман. Аммо буларнинг барчаси тўғрилик йўлидаги танбеҳ, сабоқ эди. Устоз олдингда ширин гапириб, кейин мунофиқлик қилишни эп билмаган.

Маҳмуд Саъдийнинг амал-мартабага интилмагани ёки қатор китоблар ёзиб қолдирмаганини айтиб, таъна қилгандай бўлади айримлар. Менимча, у киши ҳақиқатга содиқ қолиш, адолат ҳимоясида туриш, имонда собит бўлиш... – унча-мунча инсоннинг қўлидан келмайдиган ишни уддалади. Миллат маънавияти ва қадриятларини сергак посбон сингари сақлашга ҳаракат қилди. Бир умр ҳақ йўлида курашиб ўтди.

Сўз ва амал бирлиги комиллик белгиларидан бўлиб, шахс қисматини тайин қилувчи ахлоқий меъёр саналади. Саъдий домла мана шу хислатни ўзида мужассам этганди. Зиёлилар орасида ҳам устоз сингари бутун шахсият сийрак учрайди. Нафсига қул бўлмай, аксинча, нафсини имонга бўйсундириш, ўзлигини сақлаш унча-мунчанинг қўлидан келмайди. Маҳмуд Саъдий амал ва унвон йўлида маддоҳлик қиладиган зиё(Н)лилардан нафратини аямас ва буни очиқчасига билдирар, "шалдур-шилдир", "жангир-жунгир" деб атар эди. Мана шу журъат ва жасорат унинг тоза имонидан куч олган деб ўйлайман.

Устознинг эллик минг дурдонадан иборат муҳташам кутубхонаси эл аро машҳур, бу хазина ҳалол даромаддан қисиниб-қимтиниб жамғарилгани билан янаям қадрли. Айтишга-ку осон, аммо бошдан кечириш, фақат ойликка рўзғор тебрата туриб, китоб учун пул орттиришни ҳам маънавий жасоратга тенглаш мумкин. Айниқса, мустақилликнинг бошидаги оғир йилларда. Турли соҳаларга алоқадор минглаб асарлар шунчаки уй кўрки бўлиб қолган эмас, балки таҳрир асносида мураккаб чигалликларни ечиш, баҳсли ҳолатларга барҳам бериш учун мунтазам фойдаланилган.

Миллатга манфаати теккан инсон пайғамбарга чин уммат саналади. Садақаи жория қолдириш ҳам мўминнинг далолатидир. Домла ҳақиқатга таянувчи ва адолатни қадрловчи, сўз эркинлигига ундовчи ўгитлар, шунга амал қилувчи шогирдлар қолдирди. Инсон қандай яшаши кераклигини сўз ва амал бирлиги асосида кўрсатиб, ўзи ҳаммага намуна бўлди. Устознинг ҳақ йўлидаги ўрлиги, адолатпарварлиги, ҳалоллиги мўминга хос хислат. Қайсидир журналист уни миллат виждони деб атади. Жуда топиб айтилган ташбеҳ. Миллат аҳли рози бўлган устоздан Яратган ҳам рози бўлсин, жаннатни васила қилган бўлсин!

Санобар ТЎЛАГАНОВА,
филология фанлари доктори

8
ДЕКАБРЬ –
КОНСТИТУЦИЯМИЗНИНГ
27 ЙИЛЛИГИ
БАРЧА ЮРТДОШЛАРИМИЗГА
ҲАМДА МИЖОЗЛАРИМИЗГА
МУБОРАК БЎЛСИН!



IPOTEKA BANK
Imkoniyat yaratamiz
www.ipotekabank.uz
Хизматлар лицензиялланган

Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партияси O'zLiDeP
Тошкент вилояти Бекобод шаҳар Кенгаши раиси Рашид Пирматовга онаси
София аянинг
вафот этганлиги муносабати билан ҳамдардлик билдиради.

MUASSIS:
TADBIRKORLAR VA ISHBILARMONLAR HARAKATI – O'ZBEKISTON LIBERAL-DEMOKRATIK PARTIYASI
XXI ASR
IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA
HAFTALIK NASHR

Бош муҳаррир:
Норқобил ЖАЛИЛОВ

Таҳрир ҳайъати:
Актам ХАИТОВ, Бахтиёр ЯКУБОВ, Алишер СУЛТОНОВ, Мавлуда ХЎЖАЕВА, Сирожиддин САЙИИД, Адҳам ШОДМОНОВ, Тўлқин ЭШНАЗАРОВ, Виктор ПАК, Насимжон АЛИМОВ, Фаррух ЖАББОРОВ (Бош муҳаррир ўринбосари)

Таҳририят манзили: Тошкент шаҳри Нукус кўчаси 73⁴-уй.
электрон почта: xxi_asr@umail.uz
Телефонлар: қабулхона – 71 215-63-80 (тел./факс). Котибият – 71 281-40-17 Обуна ва реклама бўлими – 71 215-60-45, 71 255-68-50

"XXI asr" ижтимоий-сиёсий газетаси Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 2011 йил 14 июнда 0009-рақами билан рўйхатдан ўтказилган.
"Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди.
Корхона манзили: Тошкент шаҳри Буюк Турон кўчаси 41-уй.
Газета офсет усулида, А-2 форматида босилди. Ҳажми – 6 босма табоқ.
Буюртма рақами: Г – 1258 Тираж: 23441
Баҳоси келишилган нархда.
ЎзА якуни – 21:50
Топширилди – 22:50

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифларга қайтарилмайди.
© "XXI asr"дан олинган маълумотларга манба сифатида газета номи кўрсатилиши шарт.
Муаллифлар фикри таҳририят нуқтаи назаридан фарқ қилиши мумкин.
Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда дизайнер Маъруфжон Раҳмонов томонидан саҳифаланди.

ISSN 2181-497X
НАШР КЎРСАТКИЧИ: 406
123456
Навбатчи муҳаррирлар: Озод РАЖАБОВ, Элбек ШОЙИМҚУЛОВ.